



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
Конунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Поетга

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2002 йил 28 ноябрь, пайшанба • 48 (3472)-сон



нинг олдини оляпти. Маҳалла профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Мурод Комиловни кўпинча ўсмир ва болалар ўртасида учратишингиз боиси ҳам шундан.

Суратларда: милиция катта лейтенанти М. Комилов болалар билан суҳбатлашяпти; милиция таянч пунктидаги спорт зали доимо болалар билан гавжум.

Т. КАРИМОВ олган суратлар.

Милиция таянч пунклари кейинги пайтда болаларнинг сеvimли масканига айланди. Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани Бобур маҳалласидаги 107-милиция таянч пунктида спорт тўғараклари ишлаб турибди. Икки юздан ортиқ болалар жамоатчи мураббийлар раҳбарлигида бокс, кураш, дзю-до, самбо бўйича машғулотларда қатнашмоқдалар. Бу эса уларнинг бекор қолиб, нохуш ишлар билан машғул бўлиши, жиноят кўчасига кириб кетишлари-



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ КЕНГАШИШДИ

Тошкент шаҳар ИИББда пойтахт туманларида фаолият кўрсатаётган профилактика инспекторларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда мамлакатимизда тинчликни асраш, осойишталикни таъминлаш борасида профилактика инспекторлари олдида турган вазифалар, айни кунларда бу соҳа ходимлари амалга ошираётган ишлардаги хато ва камчиликлар ҳақида гапирилди. Сўзга чиққан нотиклар ҳар бир профилактика

инспектори ўз ҳудудда барқарор осойишталикни таъминлашда фуқаролар, ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари ҳамда фаоллари, маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда амалга оширишлари лозим бўлган ишлар ҳақида алоҳида тўхталдилар. Шаҳар ИИББ котибиятининг бошлиғи, ички хизмат ка-

питани Р. Маткаримов "Профилактика инспекторларининг фуқаролар ариза ва шикоятлари билан ишлаш тартиби" ҳақида маъруза қилди.

Шунингдек, йиғилишда профилактика инспекторлари томонидан ўзлари хизмат қилаётган ҳудудларда паспорт тартиботини ўтказиш тартиби, терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича мутасадди ходимларнинг маърузалари тингланди.

Ўз мухбиримиз.

ОБУНА — 2003

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг "Поетга", "На посту" газеталари ҳамда "Qalqon" ва "Ўқит" журналларига 2003 йилнинг биринчи ярми учун обуна давом этмоқда. Обуна "Матбуот тарқатувчи" ОТАЖ орқали ҳамда барча алоқа бўлиmlларида амалга оширилади.

Жиноят қидирув хизмати воқеалари, терговчи хотиралари, суд очеркларига қизиқсангиз, нашрларимизга обуна бўлинг. Газеталаримиз саҳифаларида мамлакатимиз ва дунё спорт янгиликлари, теледастурлар, мунажжимлар башорати билан ҳам мунтазам танишиб борасиз. Кроссворд, сканворд ишқибозлари учун алоҳида саҳифаларимиз бор. "Саломатлик", "Ниҳол" каби руҳларимиз остида бериладиган мақолалар сизни бефарқ қолдирмайди деб ўйлаймиз.

КЕЙИН АФСУСЛАНМАЙ ДЕСАНГИЗ, ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИМИЗГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ.

ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

«ПОЕТГА» — 180 (366) «НА ПОСТУ» — 169 (367)
«QALQON» — 970 (1084) «ЎҚИТ» — 971 (1084)



УШИНЧИ «Поетга» gazetasi ning ilovasi
TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI
TV O'ZLAMI

Халқаро алоқалар

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида БМТ Комиссиясининг инсон ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачиси Тео ван Бовен, ушбу Комиссия ходимлари Ж. Н. Бюзе, Р. Дай ва Ж. Дорфелдан иборат делегация ташриф буюрди.

Делегацияни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов қабул қилди ва суҳбатлашди. У меҳмонларга мамлакат ички ишлар идоралари фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида гапириб, улар эътиборини терроризм ва диний экстремизм кўринишларига қарши қўлланилаётган чораларга қаратди. Вазир жаҳон ҳамжамияти, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ушбу глобал хавфга қарши олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар нақадар муҳим эканлиги, шунингдек БМТнинг инсон ҳуқуқларига риоя этиш масалаларида тутган ўрнини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, барча жихатлар бўйича, хусусан жазони ижро этиш жойларига ташриф буюриш имконини тақдим этишда ўзаро ҳамкорлик қилишга интилинаётганлиги айтиб ўтилди.

Ўз навбатида Тео ван Бовен бугунги кунда БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон давлати инсон ҳуқуқларига риоя этиш соҳасидаги мавжуд барча конвенцияларни ратификация қилганини айтиб ўтди. У делегация ташрифи ва Ўзбекистонда иш олиб бориши инсон ҳуқуқларига риоя этишдек муҳим соҳадаги алоқаларни янада яхшилашига ишонч билдирди. Мартабали меҳмон Ўзбекистонда уни самимий кутиб олишгани учун миннатдорчилик изҳор этди.

Учрашувда республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-лейтенанти Б. Матлюбов, вазир ўринбосарлари, милиция генерал-майори Б. Субанов ва ички хизмат генерал-майори Р. Қодировлар иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз.

КОМИССИЯНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси Р. Қодиров очди.

Кун тартибидаги асосий масала юзасидан комиссия аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони масъул ходими М. Ҳожиматов сўзга чиқиб, комиссия аъзоларининг Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент, Самарқанд, Сирдарё, Навоий вилоятларида ҳуқуқбузарликка мойил ўсмирлар билан олиб борилаётган огоҳлантирув-тарбиявий тадбирлар ва давлат, жамоат ёрдамига муҳтож, отанасиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасидаги амалий ишлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳақида тўхталди.

Йиғилиш якунида комиссия аъзолари кун тартибидаги масала юзасидан бир қатор шаҳар ва вилоятлар вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ишига баҳо бердилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия аъзолари, шаҳар, вилоят ҳокимлари ўринбосарлари, прокурорлар, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Субанов, ИИБ ҲОББ бошлиғи, милиция полковниги А. Усмонов иштирок этдилар.

И. ЖАҲОНГИРОВ, милиция капитани.

ЭГАСИ БОР ЮРТ

Мустақиллик йилларида эришган муваффақиятларимизни жаҳон тан олмоқда. Юртбошимизнинг саясий-ҳаракатлари натижасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги, буюк келажагимизни бунёд этиш йўлида ўз самарасини бермоқда. Бугунги кунда ҳар биримизнинг олдимизда турган энг долзарб масалалардан бири — бу мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, уни ҳар қандай ёвуз ва ғаразли кимсалардан ҳимоя қилишдир.

Терроризм жаҳон халқларининг душмани. Унинг хавф-хатаридан ҳеч қайси давлат ва ҳеч бир инсон холи эмас. Ёшу қари, каттаю кичик, ҳатто бешикдаги гўдак ушбу офат қурбонига айланиши мумкин. Шу боис ҳам терроризмга қарши кураш ҳозирда дунё бўйича биринчи даражали вазифага айланган.

Хушёрлик, огоҳликни ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз лозим. У бир кунлик, бир ойлик ёки мавсумий иш эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. "Ўз уйингни ўзинг асра!" шiori фақатгина тилда эмас, дилда ҳам бўлиши зарур.

Ходимларимиз томонидан ўтказилаётган "Антитеррор", "Арсенал", "Тозалаш" каби тадбирларга кенг жамоатчилик жалб этилаётди. Улар жаҳондаги барча халқларга таҳдид солиб, вайронагарчиликлар келтириб чиқарувчи, кўпуровчилик манбаи бўлган терроризмни қатъиян қоралашмоқда.

Бироқ тунги текширувлар чоғида айрим фуқароларимиз огоҳликка зид иш тутаетганликлари маълум бўлиб қолаётди. Урганчда-

ги уйсозлик комбинати, иссиқлик манбаи, қандолатчилик фабрикаси, ДЭУ автомашиналар таъмирлаш марказининг тунги соқчилари ўз хизмат бурчларини унутиб, донг қотиб ухлаб ётишганди. Бошқа ташкилот ва корхоналарда ҳам аҳвол ачинарли. Уйлаймизки, мутасадди раҳбарлар бепарво-

Урганч шаҳрида ўтказилаётган "Қорадори-2002" тадбири давомида илгари судланган У. Баҳодир қўлга олинди. У уйда истеъмол қилиш ва сотиш мақсадида 2 кило 256 грамм марихуанани кўздан нари жойга яшириб қўйган экан.

ликни йиғиштириб, бундай салбий ҳолатларга чек қўядилар.

Бизни ташвишга солаётган хавфлардан яна бири, бу гиёҳвандлик иллатининг ёйилишидир. Вилоят ИИБ ходимлари олиб борган "Қорадори-2002" тадбири давомида 30 килога яқин захри қотил жиноятчилардан тортиб олинди.

Хива тумани ИИБ ходимлари Э. Юсупов, П. Отажонов, Д. Отаев, Р. Раматовлар шу йил июль ойида тумандаги "Хива" ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Полвонназар Шарипов уйда 1

килодан зиёд героинни сотиш мақсадида сақлаб қўйганлигини аниқлашди. У суд ҳукмига кўра тегишли жазо олди.

Урганч тумани ИИБ тезкор вакиллари ўтказган тадбирлар натижасида Қўшқўпир туманидаги "Тошкент" ширкат хўжалигида яшовчи Қ. Эгамберган 101 грамм, Урганч туманидаги "Гулистон" ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Ш. Мадат 120 грамм героинни мўмай пул эвазига пулламоқчи бўлганида қўлга олинди. Вилоят савдо ҳиссадорлик жамиятида ҳайдовчи бўлиб ишлаган И. Рустам укаси Ўқтам билан ўзaro жиноий тил бириктириб, 350 грамм героинни сотаетганида ходимларимиз томонидан ашёвий далил билан ушландилар.

Шуниси ачинарлики, гиёҳвандлик моддаларини сотиш, ташиш ва тарқатишдек жирканч ишда аёлларимизнинг ҳам қўли бор. Ҳазорасплик Қ. Малика салкам 10 грамм героинни шу туман марказида яшовчи А.С. исмли аёлга 400 минг сўмга сотаетганида қўлга тушди. Маликанинг уйи текширилганда сотиш мақсадида сақлаб қўйилган яна 60 грамм героин топилди.

Ҳаётда шундай кимсалар учрайдики, шахсий манфаатлари йўлида жиноят содир этишга ҳам қодирлар. Улар иқтисодиётимизни ривожлантириш, ҳаётимизни гуллаб-яшнатиш ўрнига ўз нафсини қондириш, мўмай пул топишга

Самарқандлик Н. Маҳтумқул илгари судланган бўлишига қарамай 406,14 грамм героинни пуллаш учун Хоразмга йўл олди. Ҳазорасп тумани ИИБ ходимлари меҳмонни кийимлари орасига яширилган "қимматбаҳо юк" билан қарши олишди.

уринишади. Қўшқўпир туманидаги О. Курбоннов номли ширкат хўжалиги омбор мудири Ю. Шоназар чигит экишда ишлатиладиган 44 қоп плёнкани янгибозорлик ҳамтовиги Р. Раҳматиллага 800 минг сўмга пуллаётганида тузоққа илинди.

Вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги Қарори юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хива тумани Беруний номли ширкат хўжалигида яшовчи тадбиркор Қ. Рўзимбой Хитойда ишлаб чиқа-

Тунги соат 23.00 лар чамаси Гурлан туманидаги Амударё ширкат хўжалигида яшовчи Нурия Ҳакимовани номасълум шахс транспорт воситасида уриб юбориб, жуфтакни ростлаб қолди. Тез тиббий ёрдамга муҳтож бўлган йўловчи воқеа жойида вафот этди. Олиб борилган тезкор суриштирувлар натижасида қочоқ ҳайдовчи туман марказида яшовчи М. Шуҳрат эканлиги аниқланди.

рилган 3 миллион 258 минг сўмлик пойабзални ноқонуний равишда Туркменистонга ўтказаетганида ушланди. Ҳазорасплик тадбиркор Р. Шукуржон эса қонунга хилоф равишда 8 миллион 663 минг 625 сўмлик товарларни Туркменистондан олиб ўтаётганида тўхтатилди.

Ходимларимиз зиммасига қўлаб вазибалар оқлатилган. Ислохотлар талаб этганидек, бугун ички ишлар ходимлари



фуқаролар ва жамиятни террорчилик, кўпуровчилик ҳуружлари, барча шаклдаги диний-экстремистик, уюшган жиноятчиликдан ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган тизимга айланиши лозим. Шунинг учун кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, улар-

нинг касбий ва жисмоний маҳоратини ошириш, билимдон, зийрак, соғлом ва маънан етуқ қилиб тарбиялаш ишига алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Халқимизнинг беҳадик яшаши ва меҳнат қилишига эришиш, мамлакатда барқарор-

лик, хонадонларимизда тинчлик, осойишталикни таъминлаш олдимизда турган энг долзарб вазифалардан биридир. Ўзбекистон барчамизнинг Ватанимиз. Уни ҳар қандай разил ва қабих ниятли кимсалардан асраш фарзандлик бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз зарур. Шундай экан ҳамisha огоҳ ва хушёр бўлишимиз талаб этилади. Зеро, эгаси бор юртининг келажаги бор.

Б. СИДИҚОВ,
вилоят ИИБ бошлиғи,
милиция полковниги.



Милиция майори, марҳум Собир ота Эшчонов 30 йилдан ортиқ вақт давомида халқ осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашда сидқидилдан хизмат қилди. Айни кунда бу фидойи инсоннинг касбини фарзандлари — Янгиариқ тумани ИИБ ЙҲХТ катта инспектори, милиция майори Зарифбой Эшчонов, (суратда), вилоят ИИБ ҲООБ катта инспектори, милиция майори Рўзимбой Эшчонов, пе-

варалари — Урганч тумани ИИБ профилактика инспектори, милиция старшинаси Жасур Шарипов, ЙПХ инспектори, милиция кичик сержанти Шуҳрат Оллаберганов ва вилоят ИИБ воқеа етмаганлари қабул қилиш ва уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам бериш маркази инспектори, милиция кичик сержанти Рустам Холовлар давом этиштирмоқда.

Ж. ҚОЗОҚ олган сурат.

ТАШАББУСКОР АЛОҚАЧИЛАР

Вилоят ИИБ алоқа бўлимида фидойи, касб сир-асрорларини пухта эгаллаган ёшлар талайгина. Уларнинг саясий-ҳаракати ва изланишлари туфайли қатор янгилликлар яратилмоқда.

— Яқинда навбатчилик қисми ишини енгиллаштириш мақсадида бошқарма ходимларининг уй телефон-

ларини компьютерга киритдик, — дейди бўлим бошлиғи, милиция майори Шуҳрат Отажонов. — Энди керак пайтда уларни бошқармага тезда чақириб олиш мумкин. Ана шу янгилик орқали бир неча ходим базариши лозим бўлган вазифа компьютер зиммасига юкланди.

Аҳил жамоа бундан бир неча ой муқаддам компьютер ёрдамида вилоятдаги барча милиция ходимларини байрамлар, туғилган кунла-

ри билан бошқарма раҳбарияти ва шахсий таркиби номидан қутлашни йўлга қўйган эди. Бу ибратли ишдан ҳам кўпчилик мамнун бўлди. Эндиликда вилоят ИИБ раҳбарияти ташаббус кўрсатиб, барча ички ишлар идоралари ходимларини зарур алоқа воситалари билан таъминлашга эришди. Бундан ташқари, бошқарманинг бўлим ва бўлимчалари ходимлари бир-бирлари билан мунтазам боғланиб туришига мўлжалланган кичик алоқа станцияси ишга туширилгани катта қулайлик яратди.

Хизмат фидойилари

«НЕКСИЯ» ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Урганч шаҳар электр тармоқлари корхонаси олдида турган "Нексия" русумли автомашина тўсатдан гойиб бўлди. Вилоят ИИБ томонидан дарҳол "Тутуш" тадбири эълон қилиниб, барча туман ва шаҳар ички ишлар бўлимларига зарур топшириқлар берилди.

Боғот тумани ИИБ ходимлари ҳам жиноятни тезкорлик билан фош этишга киришишди. Бир кунлик қидирув ва тезкор суриштирув ишлари натижасида ўғирланган автомашина тумандаги Оғажий номли фермерлар уюшмасининг 17-бўлими ҳудудига яшириб

қўйилганлиги маълум бўлди. Зудлик билан "Нексия" ўғириси С. Б. қўлга олинди.

Туман ИИБ ЖК ва УЖҚКБ тезкор вакили, милиция майори Матчон Аңызлов ҳамда ҲООБ профилактика катта инспектори, милиция майори Ражаббой Оллабергановлар ўз хизмат вазибаларига сидқидилдан ёндошиб, юқоридаги каби жиноятларни тезкорлик билан фош этишдаги иштироклари учун вилоят ИИБ бошлиғининг буйруғига биноан муносиб тақдирландилар.

Қилмиш — қидирмиш

ТОВЛАМАЧИНИНГ СЎНГГИ «МАНЗИЛИ»

Питнак қишлоқ фуқаролар йиғини ҳисобчиси С. Эргаш одамларни қўрқитиб, пул ишлашга аҳд қилди. Айниқса, айрим мансабдор шахсларнинг барча талабларини қондиришлари унга мойдек ёқарди.

Ҳаммаси хотини Жамиланинг гинекологик касаллик билан оғриб, шифохонага тушишидан бошланди. Эргаш у даволанаётган Питнак шаҳридаги касалхона шароити, шифокорларнинг иш услубларини "атрофлича" ўрганди. Шунда айрим дори-дармонлар етишмаслиги, тиббиёт ходимлари эса беморларга таъмагирлик қилишаётгани ойдинлашди. Ҳатто ундан ҳам дори-дармонга пул сўрашди. У беришга мажбур бўлди. Аммо кўнглига "сенларга кўрсатиб қўяман", деган уйни тугиб қўйди. Шундан сўнг вилоят прокуратурасига бирини-икки қилиб, қўшиб-чатиб шикоят ёзди. Айниқса, хотинини жарроҳлик йўли

билан даволаётган Шариф Уриновни роса балчиққа белади. Текшир-текшир бошланди. Прокуратура ходимлари жарроҳнинг ҳаракатларида жиноят белгилари йўқлигини аниқлашгандан кейин ҳам тинчимади. Касалхона маъмуриятидан 200.000 сўм ундириш илтижиди роса олиб югурди.

Текин даромад таъмидан тамшаниб қолган Эргашнинг иштаҳаси қарнай бўлиб кетди. "Питнаксавдо" ҳиссадорлик жамияти раиси М. Боғибек унинг "идорангни текширтираман, ароқни яшириб қўйган жойингни биламан, мен милиция ва прокуратура билан ишлайман", деган нўписаларидан қўрқиб, бир яшиқ ароқ, икки қоп шакар беришга мажбур бўлди. "Ўзбекистон"

ширкат хўжалиги бригада бошлиғи Р. Самандар "қахрамонимиз"нинг дағдағаларидан каловланиб, 3 қоп минерал ўғитни қўлга бепул тутқазганини билмай қолди. Шу хўжаликдаги "Нурота" ёшлар оромгоҳи раҳбари Р. Ғофир эса бир қоп шакарни 27 минг 500 сўмга сотиб олиб беришдан ўзга чора топмади.

Бироқ эндигина пичоғи мойга етганда Эргаш "ёзувчи"нинг сири фош бўлди. Ахир одамлар ҳимоясиз эмас. Қонун, уни назорат қилувчилар, ички ишлар идоралари ходимлари бор. Товламачи бўғини унутган эди. Ножўя қилмиши уни сўнгги "манзил" — ҳибхонага етаклади.

Қ. МАТЯЗОВ,
милиция капитани.
Ҳ. ПОЛВОНОВ,
журналист.

Ушбу саҳифа материалларини **Х. ЖАББОРОВ** ва **М. АБДУЛЛАЕВ**лар тайёрлашди.

Хабарлар

СОДИҚЛИККА ҚАСАМЁД

Айтиш мумкинки, истиқлолимизнинг тенгдоши бўлган республика ИИБ Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти ўтган давр мобайнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, Куролли Кучлар учун кўплаб ёш кадрлар тайёрлаб берди. Яқинда эса келажакда улар сафидан ўрин олувчи биринчи босқич курсантларининг Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Тантанага республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-лейтенанти Б. Матлюбов, вазир ўринбосари, милиция полковниги Х. Зокиров, Қоровул қўшинлари штаби бошлиғи, генерал-майор В. Бухтеев, фаришлар ташриф буюришди.

Ҳарбий кишининг кучли, чаққон, жасур бўлгани яхши, ал-

батта. Аммо бўлажак сардор учун булар кам. “Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар”, – дейди доно халқимиз. Айниқса, армиямиз профессионаллашиб бораётган, жамиятимизда демократик тамойиллар кундалик меъёрларга айланаётган, қонун устуворлигига эришилаётган бир пайтда ИИБ офицери ҳар то-

монлама чуқур билимли, дунё-қараши кенг бўлиши керак. Бунинг асослари эса билим даргоҳида эгалланилади. Халқимизга, Президентимизга содиқ бўлишга қасамёд қилган курсантларни табриклаш учун сўзга чиққанлар буни қайта-қайта таъкидлашди.

Республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-лейтенанти Б. Матлюбов курсантларни вазирлик раҳбарияти, шахсий таркиби номидан табриклади.

Курсантлар Ҳарбий қасамёд қабул қилдилар. Шундан сўнг уларнинг ота-оналари, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар учун байрам концерти уюштирилди.

Ўз мухбиримиз.

Республика Ички ишлар вазирлигида йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматини, милиция таянч пунктлари фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳукуватимиз қарорларининг жойларда бажарилишининг аҳволига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Субанов олиб борди.

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Йиғилишда ИИБ ҲООББ, ЙҲХББ бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ бошлиқларининг ўринбосарлари ва бошқа масъул шахслар қатнашдилар. Кун тартибидagi масалалар бўйича ҳисоботлар тингланди, амалга оширилаётган ишлар атрофлича

муҳокама қилинди. Йўл қўйилаётган камчиликлар, уларнинг сабаблари кўрсатиб ўтилиб, бунга масъул шахсларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилди.

Йиғилиш сўнггида жойларда ислохотларни амалга оширишни яхшилаш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз.

ОШКОРАЛИК РУҲИДА

Ички қўшинлар Бош бошқармасида ўтган ўқув йили якунларига бағишланган йиғилиш ишчанлик ва танқидий руҳда ўтди.

Тадбирда йил давомида жанговар-хизмат тайёргарлиги, тарбиявий ишларни ташкил этишда қўлга киритилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган баъзи камчиликлар ҳам қайд этиб ўтилди. Республика Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия подполковниги С. Ёқубов шахсий таркибнинг ҳуқуқий онгини янада ошириш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар борасида тўхталди. Бош бошқарманинг хизмат ва бўлим бошлиқлари ҳам сўз олиб, ўз соҳалари бўйича таҳлилий мулоҳазаларини баён этдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Х. Зокиров қатнашиб, сўзга чиқди. У тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, уларнинг самардорлигини ошириш ҳақида тўхталди.

Тадбир сўнггида республика ИИБ Ички қўшинлари қўмондони, генерал-майор Ж. Фозилов сўзга чиқиб, янги ўқув йилида ҳарбий жамоалар олдида турган вазифалар хусусида тўхталди. Шундан сўнг якуний текширувлар бўйича юқори кўрсаткичларга эришган бўлималарга қимматбаҳо совғалар, мақтов ёрлиқлари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий ва Олий ҳўжалик судлари, Адлия вазирлиги ҳамда Тошкент Давлат юридик институтининг ҳамкорлигида “Давлат ва жамиятнинг демократик янгилиниш босқичида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашдаги долзарб муаммолар” мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Унда маъруза қилган ва мунозараларда иштирок этган республикамизнинг таниқли ҳуқуқшунослари, олимлар суд тизимини янада такомиллаштириш борасидаги фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан ўртоқлашдилар.

Анжуман қатнашчилари кўрилган долзарб масалалар бўйича зарур қарорлар қабул қилдилар.

Ўз мухбиримиз.

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент Давлат иқтисодий университетининг мажлислар залида “Мустақил Ўзбекистон ёшлари XXI асрда” мавзусида талабалар анжумани бўлиб ўтди.

Анжуман иштирокчилари “Ёшларнинг ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги иштироки”, “Ҳадисларнинг ёшлар ижтимоий ва маънавий ҳаётида тугган ўрни”, “Ёшлар ўртасидаги гиёҳвандлик муаммолари” ва бошқа масалаларни муҳокама қилдилар. “Республика ички ишлар идораларининг ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича фаолияти” мавзусида Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҲООББ бўлими инспектори, милиция капитани И. Жаҳонгиров маъруза қилди.

Бундай тадбирларнинг ўтказилиши барча манфатдор ташкилотлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган мақбул чора-тадбирлар ишлаб чиқилишида қўл келди, деб ўйлаймиз.

И. ТОЛБОБОВ,
милиция подполковниги.

Профилактика хизмати

МАҲАЛЛА ТИНЧ — ЮРТ ТИНЧ

Мустақиллик йиллари, айниқса сўнгги пайтларда замонавий таянч пунктлари барпо қилина бошланди. Барча зарур шароитлар яратилган кўнгилли ёрдамчиларни ҳам милиция ходимлари билан ҳамкорлик қилишга қизиқтира оладиган бундай масканларни ташкил этишдан асосий муддао ҳам айнан профилактика ишни такомиллаштиришдир. Биргина бизнинг вилоятимизда шу кунларда 126 та милиция таянч пункти фаолият кўрсатапти.

Маълумки, Жиззах вилояти кўшни давлатлар билан чегарадош. Бунинг устига чегара худудлари тоғ-тошли. Ўз-ўзидан аёнки, бу туманларда ишлаётган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг хизмати ҳам шунга яраша масъулиятли ва машаққатли бўлади.

Профилактик фаолиятнинг хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, ўсмирлар ва болалар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Зеро, қора курсида ўсмирни кўришнинг ўзи аянчли. Айнан шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида изланиляпти. Ҳукуватимизнинг қарорига кўра маҳалла идоралари таркибида педагог-тарбиячи штати жорий этилган эди. Бугунги кунда вилоятимизда юздан зиёд ана шундай педагоглар маҳаллаларда ўсмирларни тарбиялаш, оммавий спортга жалб қилиш билан машғул. Уларнинг барчасига миллия таянч пунктларида махсус хоналар ажратиб берилган. Маҳалла посбонлари на-

фақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, балки жиноятларни фош қилишда ҳам ходимларимизга яқиндан ёрдам беришяпти. Шу йилнинг баҳорида Ғаллаорол туманидан ўтувчи каналлардан биринидан аёл кишининг жасадиди топилиб эди. Текширув жараёнида жувон эрининг рашиқ устида калтаклаши оқибатида ўлгани аниқланди. Бу жиноятнинг очилишида посбон А. Темиров муносиб ҳисса қўшди.

Жиззах туманидаги Бобур номли ҳўжаликда яшовчи О. Баротованинг уйдан ноқонуний тарзда сақланаётган мийтиқ топилиди. Бунда посбон М. Турдиевнинг сезгирлиги қўл келди.

Бундай мисолларни кўтириш мумкин. Бир нарсани кишини қувонтиради. Амалга оширилаётган ўзгаришлар меваси ўларок, милиция билан жамоатчиликнинг ҳамкорлиги кучаймоқда. Олдин юртдошларимиз жамоат тартибининг сақлашда бизга кўмак беришяпти.

Ш. СУВОНОВ,
милиция подполковниги.

Суратларда: милиция лейтенанти А. Холқов ўсмир билан суҳбатлашмоқда; милиция старшинаси П. Нурматов, милиция майори Т. Тураев ва милиция старшинаси А. Иброҳимовлар.



ЎСМИРЛАР КўНГЛИГА ЙўЛ ТОПИБ...

— Болалар ва темир йўл шўбхекати. Бу муаммо сўз юритиш учун доимо жиддий мавзу бўлиб келмоқда, — дейди Термиз тармоқ ИИБ ҲООБ бошлиғи, милиция майори Т. Тураев.

Темир йўл шўбхекатида милиция ходимлари нафақат тартиб-интизомни назорат қиладилар. Болалар ўртасида кенг миқёсда профилактик ишларни ҳам олиб боришади. Хизмат вазифаси болалар қонунбузарлигини назорат қилишдан иборат бўлган профилактика инспекторлари жиноят содир этишга мойил вояга етмаганлар билан тиллашиб, уларни бу йўлдан қайтара олишлари лозим. Зеро, улар кўпроқ уйдан кетиб қолган, ўғирликда гумон қилинган ёки саёқ юрган ўсмирлар билан иш олиб боришади. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлимаси ходимлари уларнинг қалбига йўл топа олишлари муҳимдир.

А. ЗОЛОТАРЁВА,
Муаллиф олган суратлар.

ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙМИЗ

Фирвон қишлоғида яшовчи Абдурахимовлар оиласида тез-тез жанжал кўтариладиган бўлиб қолди. Эр-хотин бир-бири билан чиқишмай, икки ўртада болалар сарсон. Хотин бир ойда икки-уч бор онасиникига кетиб қолади, қайтгач яна жанжал бошланади. Келишмовчиликнинг сабабини суриштирсак, эр ёлчители ишласа, рўзгор танг аҳволда экан. Маҳалла оқсоқоли М. Деҳқонов билан гишт заводига бориб, гаплашиб унга иш топиб бердик. Орифжон исмли йитит топганини

ичиб, хотини билан жанжаллашаверганидан ота-онаси ҳам безор бўлишган. Эрини инсофга келтиролмаган хотин беш нафар боласини олиб онасиникига кетиб қолади. “Қарс икки қўлдан”, деганларидек хотинда ҳам айб бор экан. Икковини чақириб, кўпчилик ўртасида муҳокама қилдик. Кексалар уларга оилани мустаҳкамлаш, тинч-тотув яшашнинг йўлларини тушунтиришди. Иzza бўлган эр-хотин энди жанжаллашмай, иноқ яшашяпти.

Қишлоқ фуқаролар йиғини раисла-

ри, маҳалла оқсоқоллари, фаоллар билан ҳамжиҳатликда фуқароларнинг тинч-тотув яшашлари учун ана шундай амалий ишлар олиб бораёпмиз. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ҳам ҳамкорликда ҳаракат қиляпмиз. Шу боис кейинги ойларида, Наманган туманида бизни ташвишга солиб келатган ўғирлик жинояти сезиларли даражада камайди. Милиция билан жамоатчилик ўртасидаги ришталар янада мустаҳкамланади. Бунинг учун бор имкониятдан фойдаланамиз.

Х. УБАЙДУЛЛАЕВ,
милиция лейтенанти.

Маълумки кейинги пайтларда фуқароларни хорижга ишга жўнатамиз деб, ваколати бўлмаган фирма, ташкилотлар номидан ҳужжат расмийлаштириб, кишиларни алдаб, фирибгарлик қилиб, "даромад" қилаётган шахслар учраб турибди. Бундай шахслар ички ишлар идоралари ходимлари томонидан фош этилиб, тегишли чоралар кўрилмоқда. Уларнинг айримлари ҳақида газетамизда бир қатор мақолалар эълон қилинган. Бироқ, бундай фирибгарлар ҳамон фуқароларни чув тушираётгани ҳақида таҳририятга кўнғироқлар бўляпти. Муштарийларнинг илтимосларини инобатга олиб, ана шу масалани кенгрок ёритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Б.У. Шорихсиевга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Бадриддин Усмонович, қайси ташкилотлар, давлат идоралари чет элга чиқиш ҳужжатларини расмийлаштиришга ҳақли? Бунинг тартиби қандай? Расмийлаштириш учун қандай ҳужжатлар зарур?

— Фуқароларнинг чет элга чиқишлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини тасдиқлаш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элга касбий фаолият кўрсатишлари ва чет эл фуқароларини Ўзбекистон Республикасида касбий фаолият кўрсатишлари ҳақида"ги, "Чет элга бориш учун рухсат бериш ёзувининг ёпиштириладиган стикерини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарорларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

Чет элга чиқмоқчи бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўзлари доимий яшаб турган манзилдаги ички ишлар идораларининг хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик хизматларига ўрнатилган тартибда тўлдирилган ариза-анкета билан мурожаат қиладилар.

Ички ишлар идоралари фуқароларнинг ариза-анкеталарини 15 кунлик муддатда кўриб чиқади ва уларга ўрнатилган тартибда икки йил муддатга амал қилувчи чет элга бориш учун рухсат бериш ёзувининг ёпиштириладиган стикерини расмийлаштириб беради.

Чет элга бориш учун рухсатнома расмийлаштириб берилганлиги учун фуқаролардан энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорда давлат божи ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элга вақтинчалик яшашга чиқишлари қуйидаги йўналишларга бўлинади:

- чет элга сайёҳ сифатида чиқиш;
- чет элга хизмат сафарига чиқиш;
- чет элга даволанишга чиқиш;
- чет элга хусусий таклиф асосида меҳмонга бориш;
- чет элга меҳнат ва хусусий шартномалар асосида касбий фаолият кўрсатиш учун бориш.

Хусусий шартнома (контракт) бўйича ишлаш учун чет элга чиқиш ҳужжатларини расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Бунда фуқаролар чет элга ўз касбий фаолиятини амалга ошириш учун Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ёки унинг жойлардаги вакиллари томонидан берилган "сертификат-рухсатнома"сини ички ишлар идораларининг хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик хизматларига ўрнатилган тартибда тўлдирилган ариза-анкета билан бирга тақдим этадилар.

Давлатлараро шартнома бўйича хорижга борувчи мутахассисларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг жойлардаги вакиллари билан буюртмалари асосида амалга оширилади.

— Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет элга давлатлараро шартнома бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун кетаётганларида қандай ҳужжатлар тақ-

дим этишади ва қаерга мурожаат қилишлари лозим?

— Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет элга давлатлараро шартнома бўйича меҳнат фаолият-

минлаш ҳақидаги мажбурияти кўрсатилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан легализацияланган ва нотариал тарзда тасдиқланган, давлат тилига таржима қилинган амалдаги меҳнат шартномасининг нусхаси (2 нусхада).

3. Иш берувчи тўғрисида қисқача маълумот (Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан эркин тарзда маълумотнома шаклида ёзилган қисқача ахборот) — 2 нусхада.

4. Иш жойидан тасдиқланган, ўрнатилган тартибдаги маълумотнома (маълумотнома—объективка) 2 нусхада, 2 дона фотосурат.

5. Ўрнатилган тартибдаги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган соғлиғи ҳақида маълумотнома.

6. Паспортининг барча варақлари нусхаси (2 нусхада).

7. Ҳарбий гувоҳноманинг ҳамма

чув тушираётганларнинг тузоғига тушиб қолмаслик учун қандай иш тутиш керак?

— Ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунда чет элда меҳнат фаолияти юритишни хоҳловчи фуқароларнинг сони ортиб бораётганлиги сабабли, айрим фирибгарлар томонидан уларни турли йўللар билан чет элга ишлаш учун юборишга ваъда бериб, ишончига кирган ҳолда фақат ўз шахсий манфаатларини кўзлаётган шахслар ҳам учрамоқда.

Шу сабабли фирибгарларга алданиб қолмаслик учун, чет элга ишлаш истагида бўлганлар фақат республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг жойлардаги вакилларига мурожаат қилишлари ҳамда тегишли рухсатнома олганларидан сўнг, ҳужжатларини расмийлаштириш учун ички ишлар идораларининг хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик хизматларига ўрнатилган тартибда мурожаат қилишлари лозим. Фақат шу идоралардан чет элга

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан доимий яшашга қолишига рухсат берилган якуний хулоса аризаچининг турар жойидаги ички ишлар идораларидан доимий қайддан ўтказиш ва яшаш гувоҳномаси билан ҳужжатлаштиришга асос бўлади.

Ҳокимликлар ҳузурда тузилган Махсус комиссия ёки Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан аризаچининг доимий яшашга қолишига рад жавоби берилганлиги тўғрисида чиқарилган қарор бўйича, аризаچига ҳудудий ички ишлар идоралари томонидан хабар берилиб, унинг берган тилхати асосида республикада бўлиш масаласи ички ишлар идоралари томонидан белги-ланган муддат ичида чиқиб кетишига сабаб бўлади.

— Чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва МДҲга аъзо давлатлар фуқароларининг республикамизда бўлиш қоидаларини бузганлиги учун қандай чоралар кўрилади?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги "Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартибини тўғрисида"ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон, Тожикистон Республикалари ва Туркманистон Ҳукуматлари ўртасида 1999-2000 йилларда имзоланган "Фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари тўғрисида"ги Битимлари талабларига риоя қилмаган яъни, чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг (МДҲга аъзо давлатлар фуқаролари) Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиши, чунончи, Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаш, қайддан ўтиш, прописка, кўчиш ёки турар жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя қилмаслиги — Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 225-моддасининг 1-бандига асосан, энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқариб юборишга сабаб бўлади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларида назарда тутилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни (МДҲга аъзо давлатлар фуқароларини) қабул қилиш тартибининг мансабдор шахс томонидан бузилиши — Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 225-моддасининг 2-бандига асосан, мансабдор шахсга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни (МДҲга аъзо давлатлар фуқаролари) хусусий иш билан Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган фуқаро томонидан ана шу фуқароларнинг чет эл паспортларини ўз вақтида қайддан ўтказишга, улар шу ерда бўлишининг белгиланган муддати ўтгач чиқиб кетишларини таъминлашга доир чоралар кўрилмаслиги, шунингдек уй-жой, транспорт воситалари бериб қўйилиши ёхуд бошқа хизматлар кўрсатилиши, агар бу Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келиши олдиндан аён бўлса — Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 225-моддасининг 3-бандига асосан, мансабдор шахсга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу ҳолатлар юқоридаги тоифа шахслар томонидан маъмурий чора қўлланилгандан сўнг бир йил мобайнида такроран содир этилса, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 224-моддасининг 1, 2 ва 3-бандлари билан жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Сўхбатдош: Садриддин ШАМСИДДИНОВ.



ти билан шуғулланиш учун кетаётганларида ўзлари яшаб турган жойдаги Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳудудий вакилларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:

1. Паспорт нусхаси (2 нусхада)
2. Ота-онасининг нотариал тарзда берган розиқликлари.
3. 3x4 ёки 5x6 мм ҳажмдаги 6 дона фотосурат.
4. Умумий тиббиёт маълумотномаси.
5. Тери-таносил диспансеридан маълумотнома.
6. Психоневрологик диспансердан маълумотнома.
7. Наркологик диспансердан маълумотнома.
8. СПИД касаллигига текширилганлиги ҳақида маълумотнома.
9. Гепатит касаллигига текширилганлиги ҳақида маълумотнома.
10. Шахснинг ўзи ҳақида маълумот
11. Валюта ҳисоб рақами ҳақида маълумот.
12. Шартнома (контракт) 2 нусхада.

— Фуқароларимиз чет элга хусусий шартнома (контракт) бўйича ишлаш учун кетаётганларида қандай ҳужжатлар тақдим қилишлари керак?

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет элга хусусий меҳнат шартномаси билан ишлаш учун кетаётганларида уларни хорижда ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида, чет элга хусусий меҳнат фаолияти билан шуғулланишга рухсат берувчи лицензия олишлари учун, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада тақдим этадилар:

1. Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги бошлиғи номига эркин тарзда ёзилган ариза.
2. Чет эл фирмаси (иш берувчи) томонидан ижтимоий кафолатлари (ойлик маоши, иш вақти ва бошқалар), тиббий сугурталанганлиги, меҳнат вазифаси билан таъ-

варақлари нусхаси (2 нусхада).

8. Лицензия олиш учун тўланган давлат божи — энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баробари миқдорда (комиссиянинг қароридан сўнг ундирилади).

— Хорижий мамлакатларга кириш визаларининг қандай турлари мавжуд? Улар қай тарзда расмийлаштирилади?

— Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет элга вақтинчалик яшашга чиқиш рухсатномаларини расмийлаштирилганларидан сўнг, чет элга кириш визаларини олиш учун хорижий давлатларнинг Тошкентдаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига мустақил ҳолда мурожаат қиладилар.

Сайёҳлик йўналиши бўйича чет элга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет элга кириш визаларини сайёҳлик фирма ва ташкилотлар орқали оладилар. Хизмат сафарига кетаётганлар эса уларни юбораётган ташкилотлар орқали оладилар.

Чет элда касбий фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқаролар, чет элга кириш визаларини Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ёки унинг жойлардаги вакиллари орқали оладилар.

Тошкентда ваколатхонаси бўлмаган бошқа хорижий давлатларга бораётганлар ўша мамлакатларнинг Москвадаги элчихонасига мурожаат этадилар.

Виза олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- таклиф қоғози (таклифноманинг нусхаси ёки факс орқали берилгани қабул қилинмайди);
- чет элга бориш учун рухсат бериш ёзувининг ёпиштирилган стикери қайд этилган паспорт;
- фотосурат (катталиги элчихонада белгиланган);
- тиббий сугурта маълумотномаси (айрим элчихоналар учун).
- Аризалар элчихоналарда 1 кундан 15 кунгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.
- Узларни ваколатли фирма ёки ташкилот вакили сифатида таништириб, фуқароларни алдаб,

чиқиш ва у ерда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш бўйича тўлиқ маълумот олишлари мумкин.

— Чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва МДҲга аъзо давлатлар фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга қолишлари тартиби қандай?

— Чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва МДҲга аъзо давлатлар фуқаролари мамлакатимизда вақтинчалик бўлишлари давомида Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга қолиш масаласида вақтинчалик қайддан ўтган ҳудудий ички ишлар идораларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қароридан белгиланган ҳужжатлар билан мурожаат қилишлари керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига асосан доимий яшашга қолиш тўғрисида ёзган аризаларини кўриб чиққанлик ва ҳужжатларни расмийлаштирилганлиги учун 50 АҚШ доллари миқдорда давлат божи тўлашлари лозим.

Чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва МДҲга аъзо давлатлар фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасини олиш ва доимий қайддан ўтиш тўғрисида топширган ҳужжатлари асосида расмийлаштирилган йиғма иш жилдлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузурда ташкил этилган Махсус комиссиялар томонидан ариза-анкетанинг асосида расмийлаштирилган йиғма иш жилдлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузурда ташкил этилган Махсус комиссиялар томонидан ижобий кўриб чиқилган йиғма жилдлар якуний хулоса чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юборилади. Махсус комиссия томонидан ариза-анкетанинг доимий яшашга қолишига рад жавоби берилганлиги тўғрисида чиқарилган қарор бўйича ариза-анкетанинг вақтинчалик турар жойига хабарнома юборилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузурда ташкил этилган Махсус комиссиялар томонидан ижобий кўриб чиқилган йиғма жилдлар якуний хулоса чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юборилади. Махсус комиссия томонидан ариза-анкетанинг доимий яшашга қолишига рад жавоби берилганлиги тўғрисида чиқарилган қарор бўйича ариза-анкетанинг вақтинчалик турар жойига хабарнома юборилади.

UCHINCHI

« Postma »
gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

+ TV O'LAM

Англиянинг "Дейли Мейл" газетасида чоп этилган материалга қараганда, машҳур Лох-Несс махлуқи билан боғлиқ вазваса яна бошланганга ўхшайди. Бунга сирли жонзотнинг янги фотосуратлари сабаб бўлди. Нафақага чиққан Рой Жонстон шу йилнинг август ойида хотини билан Шотландияда дам олишган эди. Улар қайта-ётганларида Лох-Нессга кириб ўтишга қарор қилишди. Эрта тонгда қария атроф манзараларни томоша қилишга отланди. Қирғоқда турганида тўсатдан сувдан бир нарса кўринди. "Аввалига, ҳайратдан қотиб қолдим, — дейди Жонстон, — ва кўлдан фил чиқиб келаётибди деб ўйладим! Ҳақиқатан ҳам махлуқнинг боши ва бўйни филнинг хар-тумини эслатарди. Боши сув сатҳидан 2—2,5 метр баландликка кўтарилган ва унинг сув остида кўринмаётган танаси жуда ҳам баҳайбат эканлиги сезилиб турар эди". Яхшиямки, пенсионер саросимага тушиб қолмади ва қўлидаги фотокамерани кўтариб суратга ола бошлади. "Дейли Мейл" газетаси бош муҳаррирининг таъкидлашича, экспертлар негативларни синчковлик билан текшириб кўриб, уларнинг ҳақиқий эканлигига ишончлари комил бўлганларидан сўнггина ноёб фотосуратлар чоп этилган. Бундай ҳолларда бўлгани каби суратларнинг ҳаммаси компьютерда моҳирлик билан ишланган деб айтувчилар ҳам топилди. Қуйидаги материалда биз эътиборингизга Лох-Несс махлуқининг тарихини ҳавола этмоқчимиз.

ИШОНЧЛИ МАНБАЛАР

1325 йилда тузилган жўроғий атласда Лох-Несс кўлида яшовчи "илон бошли катта балиқ" ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, 1527 йилда шотландиялик Д. Кемпбелл номидан тасдиқланган ёзув ҳам сақланиб қолган. "Бир кун илнинг ўрталарида эрта тонгда, — деб ёзади у, — мен сувдан чиқиб келган номаълум жониворни кўрдим. У катта дарахтларни илдизи билан кўпориб ташлар эди. Яқин орада ўтиб кетаётган овчилар махлуққа хужум қилишди. Аммо у улардан учтасини ўлдирди, қолганлари эса қочиб кетишди".

Маҳаллий аҳолининг махлуқ билан учрашувлари ҳақида ҳам кўпгина ахборотлар бор. Лекин уларнинг кўпчилигига ишонини қийин бўлгани учун ҳам бу ҳикояларни эътибордан четда қолдирамиз ва ҳукумат вакилининг гувоҳлигига тўхталамиз.

1977 йилнинг баҳоринда констебл Сэнди Грей ва унинг ёрдамчиси сержант Дональд Николсонлардан иборат полиция патрули Лох-Несс кўли қирғоғи ёни-

дан ўтувчи йўл бўйлаб машинада кетишга эди. Кутилмаганда сув сатҳидаги ағдарилган қайиққа ўхшаш бир нарса Грейнинг эътиборини ўзига тортди. Полициячилар машиналарини тўхтатдилар ва тушиб сувга яқинлашдилар. Қирғоқдан 150-200 метр нарида сув худди "қайнаб турган чойнакдагидек" безовталана эди. Эраклар бир-бирдан чама-си саккиз метр ораликда жойлашган иккита қайиқ елканларини эслатувчи сузгични кўришди. Махлуқ! Ҳатто унинг борлигига умуман ишонмайдиган Дональд Николсон ҳам ханг-манг бўлиб қолди. Грей гувоҳларни жалб қилиш учун йўл томонга қараб югурди. Сайёҳлар автобуси тўхтаб, йўловчилар қирғоққа келганларида "сузгичлар" кўздан ғойиб бўлган эди. Полиция маҳкамасида ҳодисаларни рўйхатга олиш лафтарыда эса қуйидаги ёзув пайдо бўлди: "Лох-Несс кўлида номаълум объект (!) кузатилган".

Шотландиядаги Лох-Несс кўли харитаси: "+" махлуқ учратилган, қора нуқталарда эса унинг қирғоққа чиққан жойлари белгиланган.

70-ЙИЛЛАР ВАСВАСАСИ

Ўтган асрнинг 70-йиллари бошларига келиб, ниҳоят, илм аҳли ҳам Лох-Несс махлуқига эътиборини қаратди. Энг замонавий қидирув ускуналари билан жиҳозланган Бирмингем университетининг бир гуруҳ тадқиқотчилари кўлда иш бошлашди. Тез орада сезгир гидролокатор экранида тубдан кўтарилаётган катта объект кўринди. Кейинроқ эса яна иккита номаълум объект пайдо бўлди. Улардан бири сув остида ҳаракатлан-

масдан турар, узунлиги бир неча метр келадиган иккинчиси эса соатига 30 километр тезлик билан сузмоқда эди! Экспедиция раҳбари Г. Таккернинг "Нью-Сайентист" илмий журналида чоп этилган баёнотида кўра иккала объект ҳам "ҳайвонот олами вакили" эди. Доктор ҳатто "Кўлда афсонавий махлуқ ҳақиқатан ҳам яшаши мосламалар томонидан тўлиқ исботланди", дея таъкидлаш мумкин деб айтган!

Амалий фанлар академияси ходими америкалик Роберт Райнс 1975 йил июнида илм аҳлига ўз тадқиқотлари натижаларини тақдим


этилганидан сўнг Лох-Несс махлуқи атрофидаги вазваса барҳам топди. Смитлар оиласи қирғоқда дам олаётган чоғларида улардан тахминан 150 метр узоқда сув юзасида бир нарса пайдо бўлганини кўришди. Смит хоним ҳодисани дарҳол кинокамерада су-

ишланганидан сўнг бир қатор ғаройиб кадрлар намоён бўлди. Тасмалардан бирида атрофга сув сачратиб, сўнгга сув остида ғойиб бўлган улкан мавжудот тасвирланган. Бошқасида эса тонга яқин узоқлашиб кетаётган учта йирик




2002 йилнинг августида Рой Жонстон томонидан олинган сурат.

ЛОХ-НЕСС КЎЛИ МАХЛУҚИ ҚАЙТДИМИ?



Лох-Несс плезиозаври (чапда) ихтиозавр билан жанг олиб бормоқда.



эди. У кўлда микрофонларга уланган сув ости камералари ва кучли ёриткичларининг тўла бир тизимини ўрнатди. Тизим ҳар қандай товуш эшитилган заҳоти ишга тушар ва фотокамералар ёқиларди. 24 метр чуқурликда олинган суратлардан бирида узун бўйинли, сузгичлари бор катта бир жониворнинг шарпасини кўриш мумкин! Тадқиқотчи "Лох-Несс кўлида узунлиги 6 метр келадиган, бир неча миллион йиллар илгари қирилиб кетган, сув динозаврларидан келиб чиққан — плезиозаврлар яшайди" деб эълон қилди.

Райнснинг суратларини ўрганиб чиқиб, табиқати табиатунослардан бири Питер Скотт "кўлда 20-30 тага яқин жуда ғалати мавжудотлар яшайди" деган хулосага келди.

1979 йилнинг 5 февралда суратга олинган ҳаваскорлик тасмаси Англия телевидениеси орқали намоиш

ратга ола бошлади. Аёлнинг тиззасида ўтирган кичик ёшдаги ўғли унинг кўлидан тортиқлаб тургани учун ҳам кадрлар унчалик сифатли чиқмаган. Хотини суратга олаётган маҳалда эри кўлига дурбин олиб, мавжудотни томоша қиларди. Кейинроқ у қандайдир бир жониворнинг узун бўйни ва кичкина бошини кўришга муваффақ бўлганини айтган. Мутахассислар тасма билан танишиб чиқиб, объект ҳақиқатан ҳам тирик мавжудотми ёки йўқми аниқ айта олишмади, аммо сув остида катта масса мавжудлигини тахмин қилишди.

НИМА БЎЛАЯПТИ ЎЗИ?

Америкалик табиатуносу-сураткаш Эрик Бекиорк Лох-Несс кўли қирғоқларида уч ҳафта мобайнида бир неча тасмага суратлар олди. Улар

объектни кўриш мумкин. Бекиорк бу кадрларни кўриб, кўлда ҳақиқатан ҳам бир эмас, балки бир нечта катта ўлчамдаги жониворлар яшаётганлиги ҳақида хулоса қилди.

Нима учун фан сув махлуқлари, қор одам, учар ликопчалар ва ҳоказолар хусусида аниқ бир хулосаларга келмайди, деган фикр кўпчиликни қизиқтирса керак? Бу саволга жавоб топиш мушкул, аммо бир қанча тахминлар қилиш мумкин. Масалан, бу муаммоларни тан олишни истамагани учун ҳам фан булар юзасидан ўз фикрини билдирмоқчи эмас. Бунга мисол қилиб академик Виталий Гинзбургнинг 2002 йилнинг 21 августида "Комсомольская правда" газетасига берган изоҳини олишимиз мумкин. Унда олим "Қор одам бу мутлақо бўлмаган гап!" дея таъкидлайди.

Бунга яна бир сабаб — аномал ҳолатларни тадқиқ этиш тарафдорлари бўлган олимларнинг ҳаётдан кўз юмганлигидир. Улардан бир нечтаси номларини келтирмоқчимиз: фан доктори Борис Фёдорович Поршнев, кўп йиллар мобайнида қор одам муаммоси билан шуғулланган, Феликс Юрьевич Зигель — "Россия уфологиси отаси", Леонид Леонидович Васильев — парасихологик ҳодисаларни тадқиқ этувчи лаборатория раҳбари ва ниҳоят, Бернард Эвельманс — криптозоология (кам учрайдиган ва ғаройиб, шу жумладан сувда яшовчи мавжудотларни ўрганувчи фан) асосчиси. У 1982 йилдан то ҳаётининг сўнгги дамларигача Криптозоологларнинг халқаро жамияти президенти эди. Унинг "Номаълум ҳайвонлар изидан" деб номланган китоби кўпгина тилларда чоп этилган. Унда бир неча бўлим Лох-Несс махлуқига бағишланган.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

Саломатлик — туман бойлик

ҚОН БОСИМИ НЕГА ПАСАЯДИ?

Саломатлигимиз ва тетиклигимизнинг шартларидан бири артериал қон босимининг меъёрда бўлишидир. Баъзи кишиларнинг қон босими пастликка мойил бўлса, бошқаларники юқори юради. Ҳар бир инсоннинг ўзига хос ишчи қон босими бўлиб, уни меъёрида ушлаб туришда бош мия, орқа мия, ички секреция безлари, буйрак, юрак катта роль ўйнайди. Америкалик олимларнинг фикрича, меъёрдаги қон босими 130/89 мм симоб устунидан ошмаслиги керак экан.

Гипотония кишиларда қон босимининг пасайиб кетиши хасталигидир. Унга туғма мойиллик, турли инфекциялар, касалликлар, иқлим шароитлари сабаб бўлиши мумкинлиги аниқланган. Ёшларда, спорт (оғир атлетика) билан шуғулланувчиларда, оғир жисмоний иш қиладиган кишиларда, балет артистларида қон босимининг пасайиши узок вақт, баъзида йиллаб кузатилади. Бундай кишилар ўзларини яхши сезади, ишга лаёқатлари ўзгармайди. Олимларнинг таъкидлашича, бу физиологик гипотония

бўлиб, уни дори-дармон билан даволашнинг ҳожати йўқ. Патологик гипотония эса тўсатдан рўй бериб, киши хушдан кетади, ўзини билмай қолади. У сил, камқонлик, меъда-ичак яраси, ички секреция безлари касалликлари, овқатда оқсил ёки дармондорилар етишмаслиги оқибатида келиб чиқиши аниқланган. Бу хасталик баъзан 18-30 ёшли кишиларда ҳам оғир юқумли касалликлар, қаттиқ ҳаяжон, ваҳима, кўрқиж таъсирида келиб чиқиши кузатилади. Бундай беморларнинг боши оғрийди, айланади,

дармони курийди, жаҳли тез чиқади, юрагида нохуш сезгилар пайдо бўлади, мушак ва бўғинлари оғрийди, ўрнидан тез турганда кўзи тинади.

Олим ва шифокорларнинг кузатишларича, ҳозирги вақтда нейроциркулятор ҳолати гипотонияда кўп учраётган экан. Бунда одам тез чарчайди, боши оғриб, айланади, бекуватлик, уйқусизлик ва кўп терлашдан нолиб, тажанглашади, юраги ўйнаб, оғриб юради, баъзан бармоқлари увишиб қолади. Айниқса, киши ўрнидан бирдан

9.00 Москва. Экспо-2010. 9.35 "Отчего, почему?" Программа для детей. 10.30 АБВГДейка. 11.00 Мультипарод "Степа-можак". "Три зятя". 11.45 Музыкальная программа "Полевая почта". 12.15 Наш сад. 12.35 Лакомый кусочек. 13.00 Московская неделя. 13.30 Звезда автострады. 13.45 "НАД ТИССОЙ". Худ. фильм. 15.15 "Катерок". Мультфильм. 15.25 Э. Виторган в программе "Приглашает Борис Ноткин". 16.00 "События. Время московское". 16.15 "Алфавит". Телеигра. 16.55 "21-й кабинет". 17.25 "Удивительный мир животных". 17.50 "Хочу быть отважным". Мультфильм. 20.00 "КОМИССАР НАВАРРО". Телесериал. 22.00 "Момент истины". 23.00 "МАКАРОВ". Худ. фильм. 1.05 "События. Время московское". 1.15 Спортивный экспресс. 1.50 "Деликатесы". 2.25 Серебряный диск.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Хоразм вилояти ИИБ молия-иқтисод бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги **Светжон ЖУМАНИЁЗОВА**ни 50 ёшта тўлганлиги билан самимий табриклаймиз. Узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик ва ишларида катта ютуқлар тилаймиз.

Эҳтиром ила вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Навоий вилояти ИИБ молия-иқтисод бўлими ходимаси **Ҳусния ҲАЙИТОВА**ни таваллуд айёми билан самимий табриклаймиз. Унга соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, оилавий бахт тилаймиз. Ҳеч қачон хонадонини файз-барака, тинч-тотувлик тарқ этмасин.

Навоий вилояти ИИБ молия-иқтисод бўлими жамоаси.

ЖАҲОН КУЛАДИ

Бир официант қиз иккинчисидан сўради: - Нега анови мастни ҳайдаб юбормаяпсан? Уч соатдан бери ҳеч нимга буюртма бермай ухлаб ўтирибди-ку! - Кўявер. Ҳар ярим соатда бориб уйготсам, қайта-қайта ҳисоб-китоб қилаяпти...

Ҳайдовчи ўзи машинасида уриб юборай деган пиёда билан тортишиб қолди: - Мен саккиз йилдан буён автомобиль ҳайдайман. Тажрибам етарли. Шу пайтгача ҳали бирор марта авария қилганим йўқ. - Менинг стажим сизникидан кўпроқ, - ҳозиржавоблик қилди пиёда. - Тугилганимдан буён пиёда юраман.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

ҚЎЙ (21 март - 20 апрель)
Душанба кунини муносабатларда мураккабликлар юзага келиши мумкин. Қолган кунлар кўнгилдагидек ўтмайди, шанбагача муҳим сафарлар ёки амалий мулоқотлар қутилмоқда. Дам олиш кунлари ҳордиқ чиқариш мақсадида ўзингизга кўнгилли машғулотлар топиб оласиз.

СИГИР (21 апрель - 21 май)
Ҳафтанинг ўртасига бориб омад кулиб боқадилар. Душанба-сешанба кунлар раҳбарлар билан тушунмовчилик ёки ота-онангиз ўртасида кўнгилсизлик келиб чиқиши эҳтимоли бор. Чоршанба кунини сизни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашди. Чоршанба ва пайшанба кунлар кенг миқёсдаги ишларни бажаришга муваффақ бўласиз.

ЭГИЗАКЛАР (22 май - 21 июнь)
Ушбу ҳафтадаги сафарлар чоғида эҳтиёт бўлишингизга тўғри келади. Автохалокатлар ва мулоқотлардаги низолар ортиқча муаммоларни келтириб чиқариши ҳеч гап эмас. Шанба кунини сизга йўл-йўриқлар кўрсатувчи нозиктаб инсон билан танишув қутилмоқда.

ҚИСКИЧБАҚА (22 июнь - 23 июль)
Ҳафтанинг бошида режалаштирилган ишларни бажаришингиз қийин кечади. Қутилмаган руҳий зарбадан асабийлашиб, уни енгиш учун анча куч-қувват сарфлайсиз. Қандайдир ўзгаришлар янги шароитга мослашишга ундайди. Шанба кунини хонадонингиздаги жиҳозлар ўрнини ўзгартиринг. Чоршанба кунини саломатлигингиз панд бериши мумкин.

АРСЛОН (24 июль - 23 август)
Янги алоқалар ўрнатиш ва жамоа бўлиб иш бажариш учун қулай ҳафтадир. Аммо душанба, сешанба кунлар шахсий муносабатлар кескинлашиши эҳтимолдан холи эмас. Умуман, ташвишлианиш ёки кайфиятингизни кўтариш учун тўлиқ асослар мавжуд. Жума кунини фарзандларингиз ва севган кишингиз учун вақт ажратинг.

БОШОҚ (24 август - 23 сентябрь)
Айрим кишилар учун ҳафтанинг дастлабки кунлари кўнгилсизликлар келтиради. Фақат ўз кучингизга таяниб иш кўринг. Чоршанба кундан бошлаб юзага келган омадли вазият пул ишлаб олиш ва ўзгаришларга эришиш имконини беради. Шанба кунини соғалар оласиз ёки яхши харидлар қиласиз.

ТАРОЗИ (24 сентябрь - 23 октябрь)
Мазкур ҳафта ажойиб танишлар орттириш, молиявий аҳволингизни яхшилаш, ишбилармон шерикларнинг таклифлари бўйича мўмай даромад топиш учун қулайдир. Янги танишлардан кўп ишларда кўмак оласиз.

ЧАЁН (24 октябрь - 22 ноябрь)
Мазкур ҳафтада бирор ёрдам керак бўлса, сешанба кунини сайёҳаракат қилганингиз маъқул. Бажарётган ишингизга бошқа одамларни жалб этишингиз ўз самарасини беради. Ойлави муносабатларни мустаҳкамлаб олишга муваффақ бўласиз. Дам олиш кунларига сафарларни режалаштирманг. Шанба кунини шахсий масалаларни ҳал этиш имконияти бор.

ЁЙ (23 ноябрь - 21 декабрь)
Ҳафтанинг бошида ўзингизни бир оз ноҳуш сезасиз. Кундалик юмушлар ҳам кўпаяди. Бироқ муҳим вазифалар қутилмайди, шу боис бир оз ҳордиқ чиқарганингиз маъқул. Умуман, дўстлар билан кўп мулоқотда бўлишингизга тўғри келади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь - 20 январь)
Ушбу ҳафтада барча сайёҳаракатларингиз яхши натижа беради. Раҳбарларнинг илиқ муносабати, сизга нисбатан ишонч ортиб бораётгани ва куч-қувватга тўлаётганингизни ҳис этасиз. Душанбадан ташқари кунларга сафарлар режалаштиришингиз мумкин. Фойда келтирувчи талайгина дақиқалар қутилмоқда. Дам олиш кунларини севган кишингизга бахшида этинг.

ҚОВБА (21 январь - 19 февраль)
Мураккаб ишлар тез ҳал бўлади, орзуларингиз эса билдирилган янги таклифларда ўз аксини топади. Бирор жойга бориш керак бўлса асло рад этманг. Шанба кунини учрашув туфайли янги дўстлар орттирасиз.

БАЛИҚ (20 февраль - 20 март)
Айрим кишилар кўзга ташланмайдиган юмушлар билан шуғулланишлари ёки ички муаммоларни ҳал этишлари мумкин. Шахсий ва амалий ишлар билан боғлиқ муносабатлар ойлави ҳаётдан кўра муҳим аҳамият касб этади. Ишларнинг юришиши руҳингизни кўтариб юборади. Ҳозирча ўз мулоҳазаларингизни баён этганингиз маъқул. Умуман, ушбу етти кун кўнгилдагидек ўтади.

СПОРТ + ФУТБОЛ



Футбол бўйича Ўзбекистон XI миллий чемпионати олий лигаси беллашувлари якунланишига бир тур қолганида кумуш медаль соҳиби ҳам аниқланди.

Осиё чемпионлар лигасининг тўртинчи босқичида қатнашаётган "Пахтакор" ва "Нефтчи" мамлакат биринчилигининг 29-тур учрашувларини бошқа жамоаларга нисбатан икки кун олдин бошлаб беришди. Буйилги мамлакат чемпионлигини муддатидан олдин қўлга киритган "Пахтакор" М. Қосимов, А. Гейнрих ва Н. Куттибоев йўллаган тўплар эвазига Сурхондарёда "Сурхон" жамоасини 0:3 ҳисобида енгди.

Биринчилик жадвалининг иккинчи поғонасида турган "Нефтчи" эса "Дўстлик" меҳмони бўлди. Уйинда 2:6 ҳисобда ғалаба қозонган фарғоналиклар ушбу турнинг ўзида кумуш медалларни нақд қилиб қўйиш учун "Насаф"нинг очко йўқотишини кутиши лозим эди.

Ўз навбатида "Насаф" футболчилари ўзлари учун чемпионатдаги энг аҳамиятли учрашувлардан бирини ўтказишди. Улар совринли ўринларга даъвогар бўлган асосий рақиблари – "Қизилқум" билан ўз майдонида куч синашишди. Шу кун сеvimли жамоалари ғалабасидан баҳраманд бўлиш мақсадида

«НЕФТЧИ» –

ВИЦЕ-ЧЕМПИОН!

ўйингоҳга келган ўн минг қашқадарёлик муҳлис "Насаф"нинг ўзи учун ҳаводек зарур бўлган уч очкосини олишига шубҳа қилмаган эди. Бироқ "Қизилқум" мезбонларни уялтирди. Биринчи бўлимда иккита тўп ўтказиб юборган "Насаф" футболчилари жуда қийин вазиятга тушиб қолишди. Яхшиямки, қашқадарёликлар сафида О. Қиличев бор экан. У саксон тўртинчи ва саксон еттинчи дақиқаларда рақиб дарвозасини аниқ нишонга олиб, ўз жамоасини шармандали мағлубиятдан қутқариб қолди – 2:2. Айнан мана шу натижа "Нефтчи"га қўл келди. Энди фарғоналикларга "Қизилқум" ҳам, "Насаф" ҳам етолмайди.

Бронза медаль соҳиби сўнгги 30-турда аниқланади. Бунга "Насаф"дан бир очко

олдинда бораётган "Қизилқум" жуда яқин турибди. Чунки келаси турда бу жамоа унчалик кучли бўлмаган "Қўқон-1912"ни қабул қилса, "Насаф" Фарғонада "Нефтчи"га қарши ўйнайди. Барчага маълумки, бутун мамлакат чемпионатларида ҳали иккинчи поғонадан пастга тушмаган фарғоналик футболчилар ўз муҳлислари кўз ўнгида енгиллишни ёқтирмайди.

Чемпионат интиҳоси яқинлашгач, куйи поғонадаги жамоалар ҳам бирдан ғалаба қозона бошлашди. Уларга 29-тур учрашувларининг ўз майдонида ўтказилиши қўл келди. Бу жамоаларнинг барчаси ўртамеъналарни мағлубиятга учратди. Сўнгги ўринда бораётган "Сўғдиёна" "Навбахор"ни қабул қилиб, 3:1 ҳисобида зафар кучди. "Зараф-

шон" эса "Андижон" билан кечган учрашувда 2:1 ҳисобда ғалаба қозонди. "Қўқон-1912" ҳам рақобатчиларидан ортда қолмади. Қўқонликлар ўз майдонида бешинчи ўринни эгаллаб турган "Металлург" футболчиларини 1:0 ҳисобда доғда қолдиришди.

Шунингдек, хавфли зонадан ҳали унчалик узоқлашишга улгурмаган жамоалардан бири – "Трактор"нинг Самар-

қандда "Самарқанд-Д" жамоаси билан кечган ўйинида ҳисоб очилмади.

Анча пайтгача, жадвалининг куйи поғоналарида борган "Машъал" ўз майдонида "Пахтакор"ни енггач, Бухорода маҳаллий "Бухоро" жамоаси билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади ва тўққизинчи ўринга кўтарилиб олди.

Шундай қилиб, 29-тур учрашувлари кумуш медаль соҳибини аниқлаб берди. Бронза учун кечадиган баҳс ҳам янада қизийдиган бўлди. Фақатгина биринчи лигага тушиб кетиш эҳтимоли бўлган "Сурхон", "Трактор", "Қўқон-1912", "Зарафшон" ва "Сўғдиёна" тақдирига аниқлик киритилмай қолди. Энди барчаси сўнгги турда ойдинлашади.

28 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН ВАЗИЯТ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. "Пахтакор"	28	24	2	2	84-14	74
2. "Нефтчи"	28	20	3	5	74-31	63
3. "Қизилқум"	29	18	5	6	66-32	59
4. "Насаф"	29	18	4	7	59-34	58
5. "Металлург"	29	13	6	10	39-35	45
6. "Навбахор"	29	13	4	12	50-39	43
7. "Бухоро"	29	12	5	12	37-50	41
8. "Дўстлик"	29	11	2	16	35-45	35
9. "Машъал"	29	9	6	14	34-52	33
10. "Андижон"	29	9	5	15	40-58	32
11. "Самарқанд-Д"	29	9	5	15	24-43	32
12. "Сурхон"	29	9	3	17	34-52	30
13. "Трактор"	29	8	6	15	35-58	30
14. "Қўқон-1912"	29	9	2	18	29-59	29
15. "Зарафшон"	29	8	4	17	37-53	28
16. "Сўғдиёна"	29	8	4	17	30-52	28

АНТИҚА «СЕВГИ»

Футболда ўйинчи учрашув ҳакамига бўлган муносабатини турлича изҳор қилганини кўп бор кўрганмиз. Бироқ айрим оммавий ахборот воситалари Голландияда бир оз ғалатиноқ ҳодиса юз бергани ҳақида маълумот берди.

Бу воқеа Голландиядаги икки ҳаваскор жамоанинг учрашуви чоғида бўлди. Майдонда бир-бири билан келиша олмаган икки футболчи одатдагидек, ҳакам томонидан сариқ карточка билан сийланди.

Лекин бу ўйинчиларга таъсир қилмади, улар майдонда орани очик қилишни тўхтатишмади. Ҳакам эса, яна чўнтагига қўл солди. Бу гал тиниб-тинчимас ўйинчилардан бирига қизил карточка кўрсатилди. Майдондан четлатилган ўйинчи тўғри ҳакам олдига келиб, унинг лабларидан бўса олди.

Голландия футбол федерациясининг тартиб-интизом қўмитаси бу ҳолатни ўрганиб чиқиб, футболчини саккизта учрашувда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилди. Чунки унинг бу қилиғи ҳакамни ҳақоратлаш, деб топилди.

ЖАЗОДАН ҚУТУЛИБ ҚОЛДИ

Италиянинг "Рома" жамоаси ҳимоячиси Кристиан Пануччи ўйингоҳ тоннелида "Интер" жамоаси менежери Бруно Бартолоццига мушт туширгани, ўз навбатида Б. Бартолоцци мамлакат футбол федерациясига зўравонни жазога тортиш талаби билан шикоят қилгани ҳақида хабар тарқатилганди. Лекин федерация раҳбарияти ўйин тасвири туширилган видеотасмани кўриб чиқмаслигини билдирди.

Шундай қилиб, К. Пануччи тартиб-интизом қўмитаси жазосидан қутулиб қолди.



«ПЕПЕ» БИЛАН ВИДОЛАШУВ

Монтевидеода уругвайлик машҳур футболчи Хуан Альберто "Пеппе" Скьяффино 77 ёшида бу ёруғ оламдан кўз юмди. 1950 йили мамлакат терма жамоаси таркибига жаҳон чемпионлигига эришган футболчининг соғлиғи бир неча ой муқаддам рафиқаси вафотидан сўнг ёмонлаша бошлаганди.

"Пеппе" Скьяффино Уругвайнинг барча даврлардаги энг зўр футболчиси ҳисобланади. Бу мавқега у Уругвайнинг жаҳон чемпионати финалида бразилияликларни мағлубиятга учратганидан кейин эришган. Ушанда янги қурилган 200 минг кишилик

"Маракана" ўйингоҳида бўлган учрашувда бразилияликлар ғалаба қозонишига ҳеч ким шубҳа қилмаганди.

Мазкур учрашувнинг биринчи бўлимида ҳисоб очилмаган. Иккинчи бўлимда эса тўхтовсиз ҳужум уюштираётган Бразилия футболчилари

«Динамо» ФСЖ спартакиадаси

ҚЎЛ ЖАНГИ УСТАЛАРИ

Пойтахтимиздаги "Динамо" спорт мажмуида Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари анъанавий спартакиадаси дастуридан ўрин олган қўл жанги мусобақаси бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, йил давомида волейбол, енгил атлетика, курулдан ўқ отиш, бешкураш, футбол бўйича кучли жамоалар аниқланди. Умумий ҳисобда аввалги йилдагидек, ҳамон республика ИИБ Академияси етакчилик қилмоқда, кейинги икки фахрли ўринни эса МХХ ва Тошкент шаҳар ИИББ вакиллари эгаллаб туришибди.

Айниқса, қўл жанги оммавийлашиб бораётганини таъкидлаш зарур. Шу боис жамоалардан деярли барча вазн тоифалар бўйича спортчилар қатнашишди. Пойтахт милицияси вакилларига тан бериш керак. Улар ўтган йили учинчи ўрин билан чекланиб қолишган бўлса, эндиликда олти вазн тоифасидан иккитасида зафар кучишди. Барча учрашувларда голиблик қилган С. Қодиров (75 кг.) ва К. Нуриддинов (85 кг.)лар жамоа ютуғига муносиб ҳисса қўшдилар. Республика ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби спортчилари иккинчи ўринни эгаллашди. Бунда А. Усмондиров (65 кг.), А. Бозоров (70 кг.) ва Б. Рўзметов (80 кг.)ларнинг саъй-ҳаракати таҳсинга лойиқ. Мусобақада ўз имконияти даражасида иштирок этмаган академияликлар учинчи ўринни қўлга киритишди.

Спартакиада дастуридан ўрин олган сўнгги спорт тури – самбо курашидир.

Я. КОРУКА.

рақиб дарвозасини аниқ нишонга олади. Ана шундай мураккаб вазиятда Скьяффино ҳисобни тенглаштириб, жаҳон футбол тарихидан жой олди. Бразилияликлар ўзига келмасданок, яна бир ажойиб чарм тўп устаси Жижа иккинчи голни киритди. Финалдаги бу мағлубият Бразилия муҳлисларига қаттиқ таъсир қилди.

Бўйи унчалик баланд бўлмаган, қотмадан келган "Пеппе" катта тезликда ҳаракатланиб, бирданига тўпни тўхтатиб олиш ва ҳаракат йўналишини бошқа томонга ўзгартиришни қандай уддала-

гани ҳалигача сир бўлиб келмоқда. Ажойиб тўп узатишларини гапирмасе ҳам бўлади.

Футболчининг клубларда эришган ютуқларини сана-сак, пойтахтнинг "Пеьяроль" жамоаси таркибига бир неча бор Уругвай чемпиони бўлган. 1954-1960 йиллари "Пеппе" "Милан" таркибига 149 та учрашув ўтказиб, 47 та гол урган, уч карра Италия чемпионлигини қўлга киритган. 1960 йили футболчи "Рома" жамоасига ўтиб, яна икки мавсум ўйнади ва ўз фаолиятини якунлади. Кейин мурабийлик қилди.

Боҳир БЕК.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15

Ватани, Савдо, Япон кино сериали, Олтин кони, Балик, Алдамчи, Қўшиқ тури, Орау, Ишора, Олмош, Ўқув юрти, Хинд халқи, Ниш..., Ток улчови, Ўт, Гиёҳ, Спорт, Меъмор, Ўзбек боксчиси, Жонивор, Ёввойи гиёҳ, Падар, Хонаки дэво, Таъриф, Бахт, Муסיқа қурилмаси, Пазанда анжоми, Дездемона қотили, Она юрт, Садоқат, Тола акини, Нота, Самолёт, Исм, Кузови тури, Уя, "...куёв", Мумтоз шоир, Африка тоғи, Аёл исми, Камиш тўқимаси, Ой, Ёлиқ, Сифатли, Тур, Мева, Мевазор, Сингил эмас, Доно, Африка юрти, Аёл, Учувчи ёрдамчиси, Рус шоири, Почта хақи, Шохмот донаси, Қисми, Боз..., Самолёт, Қўйна давлат, Қатта хона, Уста, Таом, Кашфиёт, Пишанг, Тўшамз, Казноқ, Жонивор, Ялтираш, Ҳарорат, Қайроқ, Хасталик, Бўёқ, Шамол, Мева, Цирк артисти, Газлама, Вилоят, Кенг эмас, Муסיқа сози, Муолажа, Фахр, Бўй, Тур..., Куй санъати, Сайёра, Мактов, Куй санъати, Мева, Мактов, Кончи шахри, Ёзув белгиси, Пардоз, ...мош

7 4 13 11 10 3 6 9 8 3 2 12 10 14 5 3 5 3 10 15 1 3 13 Тузувчи: Ф.ОРИПОВ.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СониДА ЧОП ЭТИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Эпикур. Илонбош. Товуш. Ангара. Киото. Катл. Мот. Полковник. Астар. Хол. "Муножот". Такэвондо. Яқун. Кун. Ваг. Имтиҳон. Эрон. Анорзор. Ва. Ан. Ар. Иванов. Вожиб. Антарктида. Башорат. Ривож. Напжа. Қанот. Асомов. Қон. Мушк. Арқон. Шод. Ёзишма. Кимоно. Кин. Машойих. Камера. Зор. Аза. Об. Ул. Ода. Заряд. Исфара. Фронг. Емак. Каср. Агротехника. Глобус. Саудия. Саванна. Ола. Оқ. Фара. Орипов. Пийма. Он. Икона. Лафз. Хина. Аз. Фг. Иероглиф. Хирмон. Сатр. Ондпра. Фаргона. До. Фидо. Тана. Оҳак. Гармдори. Қарсақ. Қўшни. "РАФ". Кий. Мита. Роз. Анод. Одер. Руда. Маориф. Мирзатерак. Меш. Ака. Ун. Уран. Ка. Да. Марш. Аҳмелова. Тиш. Увол. Лаг. Декан. Ниагара. Тараша. Кан. **Калит сўз:** Виждон – покликнинг сардори.

Ёнфин хавфсизлиги ойлиги

ТАДБИР



ДАВОМ ЭТМОҚДА

Сир эмас, жойларда рўй бераётган ёнфинлар туфайли мамлакатимиз халқ хўжалигига миллион сўмлаб зарар етляпти. Кўплаб турар жойлар ёниб кул бўляпти. Фуқаролар бошпанасиз қолиб, офатдан жиддий жароҳат олишяпти, бевақт оламдан кўз юмиш ҳолатлари учрамоқда. Ана шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилаётган бу йилги тадбирда вилоятлар ёнфин хавфсизлиги хизмати ходимлари фаол иштирок этмоқдалар.

Андижон вилоятидаги мактабларнинг ўқувчилари ёнфин хавфсизлиги қоидалари бўйича ўтказилаётган суҳбатлар давомида кўплаб маълумотлар олишмоқда. Болалар ўртасида ёнфинлар содир бўлишининг олдини олиш мақсадида видеофильмлар намойиш этиляпти. Шунингдек, маҳалла, қишлоқ гузарларида ёнфин хавфсизлиги ходимлари тарғибот, ташвиқот ишларини кучайтиришяпти. Шунга қарамай фуқароларнинг бепарволиги оқибатида ёнфинлар содир бўлмоқда. Қорасув шаҳри Холматов кўчасида яшовчи А. Сотволдиев кийимларига теккан бўёқларни бензин ёрдамида тозаламоқчи бўлганида қўлидаги сигарет чўғи бензинга тушиб, ёниб кетади. Оқибатда иккала қўли, елкасининг олд қисми ва кўкраги куйиб, жароҳат олади. Андижон шаҳри Чайковский кўчасида яшовчи С. Исомиддинова хонадонидан газ печининг назоратсиз қолдирилиши оқибатида ёнфин чиқиб, уйнинг томи, рўзгор буюмлари ёниб, катта зарар етади.

Й. МҲЙДИНОВ,
ички хизмат подполковниги.

Жиззах вилоятида йилнинг ўтган даври мобайнида содир бўлган ёнфинларнинг 144 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, 103 таси болалар шўхлиги, 76 таси электр ва газ ускуналарининг носозлигидан келиб

чиққан. Шу боис ҳам вилоят ёнфин хавфсизлиги хизмати ходимлари асосий эътиборни жойларда фойдаланилаётган электр ва газ печлари, иситиш воситаларини назорат қилишга қаратганлар. Айнан ойлик тадбири давом этаётган шу кунларда ҳам фуқароларнинг эътиборсизлиги ва лоқайдлиги туфайли кўнгилсиз ҳодисаларнинг содир бўлиши давом этапти. Масалан, Жиззах шаҳри М. Хўжаев кўчаси 19-уйда хонадон эгаларининг назоратсиз қолдирган газ печидан ёнфин чиқади, натижада уй ёниб кетади. Энг ачинарлиси, уйда ногирон П. Любанова қолиб кетади. Жиззах туманидаги Х. Олимжон номли ширкат хўжалигида яшовчи И. Одилов хонадонидан электр симларининг қисқа туташуви содир бўлиб, ёнфинга айланган.

А. УМАРОВ,
ички хизмат подполковниги.

Тошкент вилояти ИИБ ёнфин хавфсизлиги ходимлари томонидан ўтказилган текширувлар мобайнида корхона ва муассасаларда бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Жумладан, Бўка тумани марказий қозонхона биноси чордоқларидаги ёғоч конструкцияларига кимёвий суюқлик билан ишлов берилмаган, электр симлар ва кабеллар қобигининг чидамчилиги лаборатория усулида текширувдан ўтказилмаган, носоз ва вақтинчалик электр симларидан фойдаланилмоқда, муддати ўтган ёнфин ўчиргичлар алмаштирилмаган, бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминланмаган.

Янгиобод шаҳрида жойлашган "Кончи" маданият саройи ички ёнфин ўчириш жўмақлари энг ва дастаклар билан

тўлиқ таъминланмаган, мавжуд ёнфин ўчиргичлар қайта тўлдирилмаган, бирламчи ёнфин ўчириш анжомлари етарли эмас. Тошкент Ҳалқа йўли бўйида жойлашган хусусий ошхонада газ плитага резина ичак орқали уланган. Йўл қўйилган қоидабузарликлар учун хусусий ошхона раҳбари М. Муҳаммадиев маъмурий жавобгарликка тортилди. Тошкент-Термиз йўли чеккасида жойлашган "Абдулла ота" хусусий фирмасига қарашли ошхона ва новвойхонада рухсатсиз 4 та ўчоққа газ резина ичак орқали уланган. Йўл қўйилган камчиликлар учун фирма раҳбари Ш. Абдуллаев маъмурий жавобгарликка тортилиб, газ ускуналари ўчирилди.

Ўтказилган текширувлар мобайнида ёнфин хавфсизлиги қоидаларини бузган 232 нафар

ходимга нисбатан маъмурий чоралар кўлланилди, ёнфин чиқиши хавфи бўлган 21 та бино ва алоҳида хоналарнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди, носоз ҳолда бўлган 455 та электр ва газ қурилмаси ўчирилди.

Р. СУЛЕЙМАНОВА,
ички хизмат лейтенанти.

Ўтган қишда Наманган вилоятида юздан ортиқ ёнфин носоз газ ва электр иситиш асбобларидан фойдаланиш оқибатида содир бўлган эди. Айни кунларда ходимларимиз хонадонларда бўлиб, ёнфин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини текширувдан ўтказмоқдалар. Қишки мавсумга пухта тайёрланмаган, газ печларини вақтида созламаган, электр симлари носозлигини била туриб, бепарво бўлган хонадон эгаларига нисбатан зарур чоралар кўрилмоқда. Вилоятнинг Поп, Чуст, Тўрақўрган, Норин туманларида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари ҳар қачонгидан кучайтирилган. Наманган шаҳрида ёнфин хавфсизлиги ойлигини тарғиб этиш учун оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиляпти. Тадбир давомида ходимларга бир қатор хизматлардан жалб этилган вакиллар яқиндан кўмак беришяпти.

Маълумки, қишлоқларда аҳоли қишлоқ учун ғамланган хашак, сомонларни чордоқларда сақлашади. Ғўзапоя, ўтинлар томга ғарамланади. Бу эса ёнфин чиқиш хавфини кучайтиради. Шу боис ходимларимиз асосий эътиборни ана шундай қоидабузарликларни бартараф этишга қаратганлар.

Б. ДЕДАБОВЕВ,
ички хизмат подполковниги.

Суратда: ёнфин хавфсизлиги ходимлари фуқаролар билан навбатдаги тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Фидойи ҳамкасбларимиз

ОСОЙИШТАЛИК - ХИЗМАТИМИЗ МАҲСУЛИ

Ички ишлар идораларида кечаётган ислохотлар моҳиятини тўлиқ англаб етиш учун, аввало, уни амалга оширишга масъул раҳбарларнинг тажрибаси катта, дунёқараши кенг бўлиши керак.

Бу борада Кува тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция майори Абдубанноб Эргашевнинг ўз қарашлари бор. Унинг фикрича, энг аввал оддий бир ҳақиқатни унутмаслик даркор. Яъни: "Агар фарзандингиз кулса, демакки, турмуш ўртоғингиз мақтовга лойиқ, агар турмуш ўртоғингиз кулса, аёнки, оилангизда бахт ҳукмрон, агар кўшнларингиз уйда қувноқлик бўлса, билингни, маҳаллангиз осойишта, агар маҳаллаларда барча шодон экан, бор ҳақиқат, юртингиз ҳар куни байрам. Ва, ниҳоят, юрт тинч-осойишта экан, демакки, бу сизу бизнинг кечаю кундуз қилаётган хизматимиз самараси. Улкан

масъулият зиммамизда эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур".

Муносиб обрў қозонган инсонлар ҳақида уни билганлар "ўз меҳнати, ҳалоллиги, адолатпарварлиги билан шундай ютуқларга эришган" дейишади. Абдубанноб Эргашев ҳам хизматнинг машаққатлари, ташвишли, қувончли кунларини кўриб, бошидан ўтказиб келаётган ва бу соҳанинг масъулиятини тўла ҳис этган осойишталик побонидир.

У 1987 йили ўша даврдаги Тошкент шаҳар ўрта махсус милиция мактабини муваффақиятли тамомлаб, йўлланма билан Фарғона шаҳар ИИБда участка вакили вазифасида хизматни бошлади.

Тиришқоқлиги, уздабуронлиги сабаб, орадан уч йил ўтар-ўтмас, шаҳар ИИБ жиноятчиликнинг олдини олиш бўлинмаси бошлиғи лавозимига лойиқ топилди.

"Тозаликнинг қадрига етмоқчи бўлсанг, фаррошлик қилиб кўр" дейди халқимиз. Бунинг бошқача изоҳи шундай: милиция соҳаси сир-асрорларини ўзлаштирмоқчи бўлсанг, топширилган ҳар қандай вазифани вақтида уддала, тоза виждон билан хизмат қил. А. Эргашев 1992 йили Кува тумани ИИБ ЖКБ катта тезкор вакили, 1999 йил Фарғона вилояти ИИБ ШТБМИ катта тезкор вакили вазифаларида хизмат қилиш давомида ана шу ақидага қатъий амал қилди ва хизматига яраша муносиб баҳо олди: 2002 йилнинг сентябрь ойида Кува тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари лавозимига тайинланди.

А. Эргашев янги лаво-



зимда ҳам эътиқодига содиқ қолди, фуқаролар мушкулени енгилатиш учун жойларда таянч пунктлари очиш ва уни замон талабидан жиҳозлаш, жамоатчилик билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, улар иштирокида турли профилактик тадбирлар ўтказиш каби ислохот талабларини бажаришда бор имкониятини ишга солиб келмоқда. Жиноят қидирув хизмати сир-асрорларини яхши билганлиги боис содир этилган бир неча жиноятларни очишда унинг тажрибаси қўл келди ва жиноятлар қисқа муддатларда фож этилди.

Абдубанноб Эргашев ва у сингари ҳамкасбларимизнинг орамизда кўплиги учун ҳам юртимиз тинч, элимиз осойиштадир.

Эркин САТТОРОВ.

ҲАММАСИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Ўлкамизда ҳадемай қиш мавсуми бошланади. Кунлар совиши билан айрим фуқаролар хонадонларини иситиш учун қўлбола иситгич ва печлардан фойдаланадилар. Уларни қаровсиз қолдириш оқибатида эса ёнфинлар келиб чиқиш хавфи кучаяди. Айниқса, кўп қаватли уйларда бундай нохушликлар кўпроқ кузатилади.

Кўп қаватли уйларнинг ертўла ва чордоқларини доимо назорат қилиш, уларни очик қолдирмаслик ёнфиннинг олдини олади. Чунки қишда бу жойларга кўпинча яшаш жойининг тайини йўқ дайдилар, назоратсиз юрган ўсмирлар кириб олиб иситиш учун олов ёқиш ва ёнфин хавфини келтириб чиқариши мумкин. Шу боис ертўла ва чордоқлар эшигини қулфлаб, тез-тез кўздан кечириб туриш лозим.

Яна бир муаммо, кўп қаватли уйлар атрофи, йўлақлардаги қўшимча қурилмалар, бетон тўсиқлардир. Мабодо ёнфин келиб чиқса булар ўт ўчириш машиналарининг олов чиққан жойга боришини қийинлаштиради. Оқибатда талафотлар келиб чиқиши маълум.

Хавфнинг олдини олиш учун фуқароларимиз аввало иситиш мосламаларини кўздан кечириб, унинг созлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина фойдаланишлари, қўлбола мосламаларни ишлатмасликлари зарур. Юқорида кўрсатилган, арзимасдек туюлган, лекин катта фалокатларга олиб келувчи салбий ҳолатларни бартараф қилиш ўз қўлимизда. Ёнфиннинг олдини олишга ҳаммамиз бирдек масъул эканлигимизни унутмайлик.

Р. НАЗАРОВ,
ички хизмат сержанти,
Чилонзор тумани.

Ehtiroom

2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили

– Ҳалол, фидойи, ҳамиша халқ билан бирга бўлган милиция ходими ҳеч қачон пандемайди, – дейди Чилонзор тумани ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги милиция майори Қудратилла Сағдиев.

Ушбу шиорни ҳаёт қонунига айлантирган Қудратилла ака етмиш ёшни қоралаётган бўлса-да, ҳамон халқ хизматида. У туман ИИБда дастлаб участка инспектори, кейинчалик ЖООБ бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатди. Эл осойишталигини сақлаш йўлидаги йигирма тўққиз йиллик фаолияти давомида не-не воқеаларга дуч келмади, дейсиз.

... Чўмилиш ҳавзаси яқинида қўлида жомадон кўтариб юрган 13-14 ёшлар чамасидаги ўсмир милиция ходимларида шубҳа уйғотиб,

туман ИИБга келтирилди. Уша кезлари Наққошлик кўчасидаги кўп қаватли уйлардан ўн бешдан зиёд ўғирлик

риқа ўғирликларга қўл ураётган жиноий тўда бошлиғининг манзили аниқланди.

Қудратилла ака бир

бўлади”, кўнглидан ўтказди участка инспектори. Бироқ олти марта судланган, шу билан бирга спорт устаси бўлган гумондорга қуролсиз икки ходимнинг бас келиши осон эмасди. Шу боис хужжатларни тўлиқ текшириб кўриш ва қайд этиш баҳонасида у туман

Қудратилла ака ўз хизмати давомида шу каби неча юзлаб ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга эришди. Содир этилган жиноятларнинг эса очилмай қолгани бўлмаган. Шу боис ҳам у турли хил мукофотлар билан тақдирланган ички ишлар фахрийсидир.

Қудратилла ака тинч-тинчимас, гайратли инсон. У 1986 йили пенсияга чиққан бўлса-да, ҳамон эл хизматида. Айни пайтда туман фахрийларига етакчилик қиляпти.

– Фахрийлар кенгаши теварагига 109 нафар кексалар бирлашган, – дейди отахон. – Биз доимо уларнинг ҳолидан хабардор бўлиб турибмиз. Байрам кунлари бир пиёла чой устида ажойиб суҳбатлар бўлиб ўтади ва совғалар берилади. Беморлар ҳолидан хабар олиш, ёлғиз кишиларни йўқлаш, таваллуд кунларга табрикномалар юбориш доимий эътиборимизда. Бирор илтимос билан келган кишиларнинг муаммоларини ижобий ҳал этишга ҳаракат қиляпмиз.

Қудратилла ака бирор ишни кўнглидагидек бажармагунча тиним билмайди. У раҳбарлик қиляётган ташкилот пойтахт ички ишлар идораларидаги фахрийлар кенгашидаги ичидан биринчи ўринни эгаллаб тургани ҳам бунинг тасдиғидир.

Зулфия ЮНУСОВА.

«Милиция оқсоқоллари» танловига

УСТОЗГА ТАЪЗИМ

содир этилган бўлиб, маҳалла аҳли талончининг тахминий қиёфасини тасвирлаб берган эди. Бироқ кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай гумондор шахс ҳамон янги-янги ўғирликларга қўл урарди. “У ўта тажрибали, тулкидек айёр эканлиги шубҳасиз”, – ўйлади Қудратилла ака. Одамлар ичидан юриб, ҳар қандай инсоннинг кўнглига йўл топа оладиган тажрибали ходим ўсмир билан тиллаша олди, шу та-

ходим билан манзилда кўрсатилган Дўмбиробод маҳалласига шошилди. Улар хонадонга келиб, эшик кўнгирагини босишди. Остонада маҳалла аҳли тасвирлаб берган жиноятчи пайдо бўлди. Унинг қаёққадир кетишга шайланиб тургани кўриниб турарди. “Тайёргарлигига қараганда сафари узоққа белгиланган. Балки бу жойга умуман қайтмас. Нимадандир безовта, ҳозирроқ қўлга олинмаса кейин кеч

ИИБга олиб келинди.

– Унинг барча қилмишлари исботлангач, қўлига кишан солинди, – дея эслайди Қудратилла ака. – Яшаш жойи текширилганда ётоғидан 250 дан зиёд турли хил калитлар ва эшик очадиган асбоб чиқди. Ўғирланган молларнинг маълум қисми эса ашёвий далил сифатида у билан ноқонуний яшаб юрган аёлнинг уйидан топилди. Жиноий тўда қонун олдида жавоб берди.

Қудратилла акани эл осойишталигини сақловчилар сулоласидан десак янглишмаймиз. Чунки акалари, ҳозирда ички ишлар фахрийлари Ниғматулла ва Фатхулла Сағдиевлар унинг қаттиққўл, талабчан устозлари эди. Ўз навбатида бу тажрибали ходим ҳам юзлаб иқтидорли шогирдларга мураббийлик қилган. Улар милициянинг турли хизматларида фаолият юритиб, устоздан маслаҳатлар олиб туришади.

Фахрийлар – фахримиз

ҲАМИША ОМОН БЎЛИНГ!

Қашқадарё вилояти ички ишлар тизимида хизмат қилган ҳар бир инсон истеъфодаги ички хизмат полковниги Мелик Жўраевни яхши билади ва унинг номини ҳурмат билан тилга олади. Бундай эъзозга отахон ўзининг инсонпарварлиги, ҳаётий тажрибалари билан сазовор бўлиб келмоқда.

Ички ишлар соҳасида 40 йил хизмат қилиш айтишга осон. Аслида-чи? Ўтган йиллар сарҳисоб қилинса ҳаётдаги, хизматдаги не-не машаққатларни енгиб ўтилгани, эл-юрт осойишталиги йўлида амалга оширилган беҳисоб ишларни кўриш мумкин.

Мелик Жўраев 1927 йилда Самарқанд шаҳрида таваллуд топди. Ўрта мактабни битиргач, шаҳардаги иқтисод техникумида ўқиди. Ўқишни муваффақиятли тамомлаб, ихтисослиги бўйича дастлабки иш фаолиятини бошлаб юборди. Амакисининг ўғли, полковник Саидмурод Султонов ундаги тиришқоқлик, ҳаракатчанликни кўриб, ишга таклиф қилди. Ёш йигит махсус комендатурада комендант вазифасида ишлай бошлади. Икки йилдан сўнг, яъни 1953 йили Бухорога, ёнғин хавфсизлиги (илгари ёнғиндан сақлаш) хизматида ишга ўтди. Кейин вилоят ЁХБда хизматни давом эттирди.



1968 йилнинг баҳорида М. Жўраев Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ бошлиғи вазифасига ишга тайинланди. Вилоят, қолаверса, туманлар ёнғин хавфсизлиги хизматини мукаммаллаштириш, техник жиҳатдан таъминлаш, ёнғинларнинг камайиши, малакали ходимларни тайёрлаб, хизматга йўналтиришда М. Жўраевнинг жуда катта меҳнати сингди. У фидойилиги эвазига раҳбариятнинг кўплаб фахрий ёрликларини олди. М. Жўраев дастлаб иш бошлаган чоғлари устозлик қилиб, ундан тажрибаларини аямаган ички хизмат подполковниги (мархум) Сайфи Эсонбоев, ҳар бир ишда қўллаб-қувватлаган милиция полковниги (мархум) Яқуб Исаевни

эхтиром билан ёдга олади. Милиция полковниклари Виктор Живило, Ҳайит Худойбердиев, Шароф Ашуров, Турсун Акбаровдек ажойиб инсонлар билан бир сафда хизмат қилганидан фахрланади. Шогирдлари ички хизмат полковниги Олим Қодиров, ички хизмат подполковниги Дилшод Пўлатовларни ўз фарзандидек билади.

– Воҳада, ёнғин хавфсизлиги хизматида узоқ йиллар ишлаётган ҳар бир ходимни “шогирдим” дейишга ҳақлиман, – дейди у.

Мелик Жўраевга турмушда ҳам бахт кулиб боққан. Умр йўлдоши Мария опа билан 51 йилдан буён бахтли ҳаёт кечириб келмоқда. Тўрт нафар фарзандни тарбия-

лашди. Қизлари Роза ва Раиса оналари йўлидан боришди. Ўғиллар эса ота изидан боришди. Катта ўғил Анатолий Жўраев республика ИИБда масъул вазифада ишлайди, милиция полковниги. Александр вилоят ИИБ ЁХБда хизмат қилади, ички хизмат подполковниги. 7 нафар набира орасида ҳам бува касбини танлаганлар бор. Татьяна милиция лейтенанти, Дмитрий ҳуқуқшунос бўлиш ниятида таҳсил олмақда. Бу – Жўраевлар сулоласи халқимиз осойишталиги йўлида хизмат қилаверади, дегани, албатта.

Мана 15 йилдирки, Мелик Жўраев вилоят ИИБ фахрийлари етакчиси. У бошқараётган кенгаш ҳисобида 2300 нафар фахрий бор. Боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтожлар ҳамиша эътиборда. Уларни йўқлаб, ҳолидан хабар олишни қанда қилмайди.

Суҳбат асносида отахон:

– Ўтган умримдан, узоқ йиллик машаққатли меҳнатимдан тоабат фахрланаман. Яратганга беҳисоб шукроналар айтаман: ўғилларим, невараларим ишимни давом эттиришапти. Бу кучимга куч, қувватимга қувват кўшаётгани шубҳасиз. Бир инсон учун бундан-да ортиқ бахт, шараф бўлмаса керак, – дейди.

Кутлуг 75 ёш остонасида турган истеъфодаги ички хизмат полковниги Мелик Жўраевга доимо омон бўлиб, ҳамиша сафимизда юринг, дея яхши ният тилаб қоламиз!

С. АМИНОВА.

Суратда: М. Жўраев (ўнғидан иккинчи) шогирдлари даврасида.

О. ПРИМОВ олган сурат.

Ҳикоят

ОТА-ОНА ҲУРМАТИ

Бир мўътабар одам бир йигитнинг ота-онасига қилган хизматларини эшитиб уни зиёрат қилмоқчи бўлди. Бу йигит қассоб эди. Мўътабар одам бозордан уни излаб топиб:

– Ўғлим, мен мусофир кишиман, агар қабул қилсангиз, бу кечани сизнинг уйингизда ўтказишни истайман, – деди. Йигит бу илтимосни жону дили билан қабул этди, кечкурун дўконини беркитиб, у билан бирга уйига қайтди.

Уйнинг бир чеккасида тўшакда қариликдан жуссаси кичкина бўлиб қолган бир чол ётарди. Йигит меҳмонга жой кўрсатиб:

– Бемалол ўтириб дам олинг, тўшакда ётган одам менинг отам бўладилар. Онам яқинда вафот этдилар. Отамга мендан бошқа қарайдиган киши йўқ. Ҳар кун у кишининг хизматларини қилиб, кейин ишга кетаман, – деди.

Йигит дарҳол шўрва пиширишга киришди. Овқат тайёр бўлгач, бир косасини сузиб отасига ичирди. Кейин меҳмон учун дастурхон ёзди. Биргалашиб овқатландилар. Меҳмон:

– Ўғлим, сен отангни тўйдириб, ювиб-тараб ўрнига ётқизганингдан кейин у оғзини қимирлатиб турди, шу билан у нима демоқчи эди? – деб сўради.

– Отам менинг ҳақимга дуо қиладилар. Мархума онам ҳам мендан рози эдилар, доимо ҳақимга дуо қилардилар, – деди йигит.

Мўътабар одам йигитга таҳсин ўқиб, унинг ҳақиқа дуо қилди.

«Оз-оз ўрганиб доно бўлур» китобидан олинди.

ОДАМНИНГ ҲАЁТИ НЕЧА ПУЛ?

ҚАДР-ҚИММАТИ-ЧИ?!



Владимир бир шиша ароқ билан учта пиво кўтариб, танишини эргаштирганча Николайникига келса, уй эгаси таниши Борис (унинг ўзи Берди, Ҳақберди) билан битта ароқни майдалаб, мусиқа эшитиб ўтиришибди. “Улфати чор, анда маза бор”, — деганларидек, энди улфатчилик авжига чиқди. Ароқлар, кетидан пиволарни тугатишди. Бу ерга келишдан олдин кўчадаги қовоқхонада ҳам ароқ ичганди. Меъридан ошиб кетдими ёки пиво билан аралаштиргани таъсир қилдими, хуллас, Владимир ухлаб қолди. Ҳатто бир-икки росмана хуррак ҳам тортди. Ўзининг хуррагидан чўчиб уйғониб кетди. Қараса, ичкилик тугаб, улфатлари шумшайиб ўтиришибди. Владимирнинг сахийлиги тутиб, қора чарм сумкачасидан пул чиқарди ва Борисга узатиб:

— Ошна, хизмат бўлмаса, яна ароқ олиб кел, — деди тили зўрга айланиб.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Борис икки шиша ароқ, газакка майда-чуйдалар кўтариб кириб келди. Владимир ҳеч қўйишмагач, бир-икки қултум ичганини эслайди. Кейин кайфи баттар ошиб яна ухлаб қолди.

Тушидами, ё ўнгидами пул, ҳужжат ва калитлари солинган чарм сумкачасини биров тортқилагандай бўлди. Уйғониб қараса, ёнида Борис ўтирибди. “Сумкамни шу тортқиладимиз?” деган гумонга борди. Сумкасини очиб қараса, ичидаги ҳужжатлари, калитлари жойида, фақат пули кўринмасди.

— Ким бўлса ҳам мени бошлаб тунабди, — гўлдиради у.

Бу гап Борисга ёқмади, шекилли, у бир нималар деб тўнгилаб, уйдан чиқиб кетди. Эртаси кун ҳали кайфи тарқаман Владимирни ҳам Николайнинг ўғли уйига олиб бориб қўйди.

Орадан яна бир кун ўтиб Владимир анча ўзига келиб уйғонди. Сумкаси эсига тушиб, хотинидан сўраса, кўрмадими деди. Шунда: “Ҳойнаҳой, Николайникида қолдирган бўлсам керак”, — деб ўша ёққа йўл олди. Сумка у жойда ҳам йўқ:

ерга кирганми, осмонга чиққанми — гоийб бўлган эди. Владимир умидини узиб уйига қайтди.

Орадан ҳеч қанча ўтмай кетидан Николайнинг ўғли Анатолий келди.

— Сумкангиз топилди, — деди у. — Бориб ўзингиз олар экансиз.

Владимир негалигини суриштириб ўтирмай, кўшнисини эргаштириб, нарсасини олгани Николайникига шошди.

— Оғайни, энди буну ювиш керак, — деди кеча аразлаб кетиб қолган йигит — Борис сумкани узатар экан.

— Гап бўлиши мумкин эмас, — деди Владимир ва кўшнисига тайинлади, — оғайни тўғри бизникига бориб пул олиб, иккита ароқ келтир.

Спиртли ичимлик таъсирида эски алами ёдига тушдими ёки илгаридан бу режани ичида пишитиб қўйганми, Борис ичиб олгач, Владимирдан сўради:

— Кеча мени ўғриликда гумон қилиб ҳақоратлаганинг эсингдами?

— Ўтган ишга саловот, ошна! Кўнглингдан чиқариб ташла, —

узр сўраган бўлди Владимир.

Борис кутилмаганда уни айвонга судраб чиқиб, дағдага қилди:

— Ҳаётинг неча пул туради сени ўзи?

— Бу нима деганинг? — кайфи бошидан учиб, қалт-қалт титраб сўради Владимир.

— Шу деганимки, ҳаётингни сотиб ол, мени ҳақоратлаб, қадр-қимматимни ерга уриб еткизган маънавий зарарингни тўлаб қўй! Йўқса ҳозир пастга улоқтириб юбораман.

Кўрқиб қолган Владимир титраб-қақшаб сўради:

— Қадр-қимматинг неча пул туради? Қанча тўласам, сента етган маънавий зарарни қоплаган бўлам?

— Саксон минг сўм, + афтидан илгаридан чамалаб юрган суммани айтди Борис.

— Менда унча пул йўқ, оғайни...

— Ҳозирча борини бер. Қолганини топганинга берасан.

Владимир қандай рози бўлганини ўзи ҳам билмай қолди. Шу куннинг ўзидаёқ Борисга 20.000 сўмни қуртдай санаб берди. Шу билан қутулиб кетаман, товламачи ўз ҳолимга қўяди, деб

ўйлаган эди. Чучварани хом санаган экан. Борис кун ора вакиллари жўнатариб, товон пулини талаб қилавериш жонидан тўйдирди. Ноилоҳ қолган Владимир милицияга арз қилди. Ички ишлар ходимлари Ҳақберди (унинг ўзи Борис, Берди!)ни Владимирдан 35000 сўм пулни товламачилик йўли билан олаётган пайти ашъвий далиллар билан қўлга туширишди.

У тергов ва суд жараёнида илгари судланганини (3 марта!) пеш қилиб, бу гал ўзига етказилган маънавий зарарни судсиз-терговсиз ундирмоқчи бўлганини айтди. Авваламбор, Владимир бевосита уни ўғриликда айблаган, кўпчилик ичида беобрў қилмаган. Бориники, қайсидир маънода обрўйига зарар етказилди ҳам дейлик. Демак, у ўзининг “топталган” қадр-қимматини 80.000 сўмга баҳолабди-да. Шундан қўлга киритган 20.000 сўмини нимага сарфлаганини биласизми? 4000 сўмини уй эгаси Николайга ҳадя қилган. Қолганини кайф-сафога харжлаб юборган. Бу ўзини маънавий ҳақоратлашнинг бир кўриниши эмасми? Ўз қадрини юқори қўядиган инсон, унга етказилган зарар эвазига келган пуллари шундай енгил-елпи ҳою-ҳавасларга сарфларкан-да! Ёки бу ҳам енгил даромад орттиришнинг бир йўлими?

Жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар суди Ҳақберди Кетабаевни судир этган товламачилиги учун уч йилга озодликдан маҳрум қилди. Ичиш-ичмаслик ҳар кимнинг ихтиёри. Лекин бунақа кетишда Владимир ҳақиқатан бирда бўлма-са бирда кайф устида кимгадир жиддий маънавий зарар етказиши ҳеч гап эмас. Ўшанда яна ҳаёти неча пуллиги ҳақида бош қотирадими? Ундан кўра ҳозирдан эси борида этагини ёпиб олгани, ўз қадр-қимматини сақлагани маъқул эмасми? Бу гап хурмачасига қанча сиғиши билан иши бўлмай ичаверадиган бошқаларга ҳам тааллуқли, деб ўйлаймиз.

Отаназар ОНДАЕВ,
милиция подполковниги.

ПАЙШАНБАДАН ПАЙШАНБАГАЧА

ИЗЗАТИНИ БИЛМАГАН МЕҲМОН

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида яшовчи Ю. нинг уйига 1967 йилда туғилган таниши меҳмонга келди. Меҳмон унинг олдига топганини қўйиб сийлади. Бироқ кайфи ошган меҳмон жанжал чиқарди ва бўшаган шиша билан хонадон эгасини бошига уриб ўлдирди. Ҳозирда меҳмон ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олиниб, бошқа “меҳмонхона”га кўчирилган.

ГУМОНДОРНИНГ ИҚРОРИ

Тошкент шаҳар М. Улугбек туманидаги уйларнинг биридан Қорасув даҳасида яшовчи, 1973 йилда туғилган Ш.нинг қуролдан отилиб ўлдирилган жасади топилди. Қотил ва қуролни топиш нақадар маънавий бўлса-да, тезкор ходимлар бунинг уддасидан чиқибди. Гумондор сифатида ушлаб келинган, муқаддам судланган 35 ёшли шахсдан “Макаров” тўппончаси ва унинг ўқ-дорилари олинди. Тошкент вилоятининг Янгиобод шаҳрида қўлга тушган бу кимсанинг бошқа жиноятларга ҳам алоқаси бор-йўқлиги аниқланмоқда.

МАСТЛИК — ПАСТЛИК

Чирчиқ шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган 51 ёшли Владимир маст ҳолда таниши Ш. билан жанжаллашиб қолди. Асабийлашган Владимир ёнидан пичоқ чиқариб, Ш.нинг қулогини кесиб олди.

НАШАФУРУШ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида ҳеч қаерда ишламайдиган икки киши 600 грамм марихуанани 280.000 сўмга сотаётган вақтда қўлга олинди.

И. МИНАВАРОВ,
милиция майори.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБ томонидан Виктор Павлович РАГУЛИН қидирилмоқда. 1935 йилда Қозғистон Республикасида туғилган. Алмати шаҳри Жалдасов кўчаси 35-уй 6-хонадонда яшаган. Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Лисунов кўчаси 15-уй 4-хонадонда яшайдиган опаси Л. О. Горбунованикига меҳмонга келган. 2002 йил 5 июнь кун 148-автобусда Кадишев бекатига келиб, бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 168-170 см, ўртача гавдали, кўзи қора, сочи қора, оқ оралаган.

Ассий белгилари: пешонасининг чап томонида шиш бор, бармоқлари букилмайдиган, қорнида иккита чандик, бошининг тепа қисмида 3 см катталикда холи бор.

Кийимлари: эгнига кўк йўлли кулранг футболка, қора шим, оёғига оч рангли туфли кийган.

В. Рагулинни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига ёхуд Ҳамза тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.



Сўраган эдингиз...

? **Она бир, ота бошқа уч фарзандимиз. Бизга ота-онамизнинг мероси қандай тақсимланади?**

Қ. Сафарова,
Тошкент вилояти.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 1135-моддасига асосан мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Оналари вафотидан кейин ҳар қандай ҳолатда ҳам болалар мерос ҳуқуқини биринчи навбатда олади. Оталари вафот этганидан кейин эса, болаларга нисбатан оталик қонунда белгиланган тартибда тасдиқланган ҳоллардагина қонун бўйича биринчи навбатда мерос олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ўғай болалар ўғай ота-онанинг меросхўрлари бўла олмайди. Булар фа-

қат меҳнатга лаёқатсиз боқимлар жумласига кирган тақдирда, белгиланган навбатда меросхўр бўлиши мумкин.

Фарзандликка олинган болалар Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 151-моддаси тартибда расмийлаштирилган ҳолдагина, қонун бўйича ворис бўла олади.

Демак, қонунда белгиланган тартибда фарзандликка олинган болалар никоҳда туғилган болалар билан бир қаторда тенг мерос олиш ҳуқуқига эга.

? **Турмуш ўртоғим билан мурасамиз тўғри келмай, қонуний ажрашдик. Орада битта фарзандимиз бор. Никоҳимиз бекор қилингандан кейин ҳам солиқ турмуш ўртоғимнинг фамилиясида қолишим мумкинми?**

Л. Саидова,
Андижон вилояти.

Жавоб: Эр-хотин никоҳга кириш вақтида фамилия танлашда эркин ҳуқуққа эга

бўлгани каби, никоҳдан ажратилганидан кейин ҳам шу фамилияда қолиш масаласини мустақил ҳал қилади. Бу Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 46-моддасида мустаҳкамланган, яъни “Никоҳга кириш вақтида ўз фамилиясини ўзгартирган эр(хотин) никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам шу фамилияда қолишга ҳақли ёхуд унинг хоҳишига биноан суд томонидан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги қарор чиқарилаётганда унга никоҳгача бўлган фамилияси қайтарилиши мумкин” — дейилган.

Фамилияга бўлган ҳуқуқ эр ва хотиннинг шахсий ҳуқуқи бўлиб, уни ўзгартириш фақат фамилия эгасининг ихтиёри билан амалга оширилади.

Юқоридагиларга асосан, никоҳингиз бекор қилингандан кейин ҳам солиқ турмуш ўртоғингиз фамилиясида ўз ихтиёрингиз билан қолишингиз мумкин.

Саволларга жавобларни ҳуқуқшунос Р. ЮСУПОВА тайёрлади.

КРОССВОРД

1. Андижон вилоятидаги шаҳар. 2. Қитъа. 3. Европадаги қадимий пойтахт. 4. АҚШдаги штат. 5. Сув жонивори. 6. Мусиқа асари. 7. Ижодкор аёл. 8. Россиянинг Краснодар ўлкасидаги шаҳар. 9. Қон томири. 10. Дурадгорлик асбоби. 11. Фарзанд дунёга келганида ўтказиладиган маросим. 12. Математика бўлими. 13. Ёпиқ эгри чизиқ. 14. Урф-одат. 15. Волидалар кўшиғи. 16. Сувоқчилик асбоби. 17. Намуна, нухса. 18. Фан ва техника соҳаси. 19. Ер шарининг энг жанубий минтақаси. 20. Миллий таом. 21. Шимолий Америкадаги дарё. 22. Юнон афсонасидаги дастлаб ҳосилдорлик, кейинроқ севги ва гўзаллик маъбудаси. 23. Тикувчилик анжоми. 24. Биннинг металл синчи. 25. Махсус шиша идиш. 26. Ёлқин. 27. Билим соҳиб. 28. Раққоса, Ўзбекистон халқ артисти. 29. Расмий илтимоснома. 30. Ўзбек эстрадаси хонандаси. 31. Америка қитъаси жанубидаги мамлакат. 32. Ҳаво қатлами. 33. Қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштириш тизими мажмуи. 34. Мунтазам кўлбурчак марказидан бирор томонига туширилган перпендикуляр чизиқ узунлиги. 35. Мусиқа асбоби. 36. Дарё, Енисей ирмоғи. 37. Абу Али ибн Сино таваллуд топган маскан. 38. Саид Аҳмаднинг "Уфқ" романи қаҳрамони. 39. Кишини ҳайратда қолдирадиган, ғаройиб нарса. 40. Авлоддан авлодга ўтиб келган ҳикоя, ривоят.


КРИПТОГРАММА

Очқич сўзлар: 1. Амир Темурнинг ҳикматида: Адоват эмас — 6, 14, 9, 13, 6, 11 енгади.

2. Кузпишар мева — 10, 7, 8, 2.
3. Куролли Кучлар мажмуи — 6, 1, 4, 2, 12.
4. Бинокорлик ашёси — 5, 3, 4.

Энди очқич жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб криптограммани ҳал этинг. Улардан ҳазрати Али ибн Абу Толиб мёросига мансуб ҳикматлардан бирини билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.



ЎТГАН СОНДАГИ БОШҚОТИРМАНING ЖАВОБЛАРИ:

Ёйлар бўйича ўнга: 2. Арктика. 3. Фара. 4. Даив. 5. Риал. 8. Офсет. 9. Аруз. 10. Авзо. 13. Баковул. 14. Малтник. 17. Қози. 19. Ролик. 20. Грим. 21. Бола. 22. Режа. 23. Фабрика.

Ёйлар бўйича чапга: 1. "Наво". 2. Автобус. 6. "Авиа". 7. Купе. 13. Бионика. 14. Мексика. 15. Имон. 16. Адиб. 18. Ироқ. 20. Гўжа. 23. Франция.

Бўйига: 11. Осмон. 12. Сифат.

МУАММОНОМА

Ҳикмат: Ақл — инсон фаолиятидир.

1 декабрь — Халқаро ОИТСга қарши кураш куни

ОФАТ ХАВФФИ ОШЯПТИ

Ҳамма огоҳ бўлиши керак — ОИТС ҳам биз билан бирга XXI асрга кириб келди. Касалликнинг юқиш, тарқалиш хавфини камайтириш учун Ер юзининг барча аҳолиси ундан сақланиш йўллари билиши лозим.

Ҳозирга келиб бу хасталик туфайли бутун дунёда жами 25 миллиондан ортиқ киши ўлди. Улардан 10 миллиони аёллар, 5 миллиони 15 ёшга ча бўлган болалардир. Касалликдан азоб чекаётганлар сони эса 65 миллиондан зиёд.



ОИТСга чалинаётганлар йилдан-йилга ортапти. Унга қарши кураш чоралари янада кучайтирилмас экан, бугунги манзара келажакда оддий ҳол бўлиб кўриниши мумкин. Аянчли бўлса ҳам айтилик, хасталик кенг тарқалган минтақаларда бу кетишда вақти келиб ёшларнинг ярми ундан нобуд бўлиши мумкин. Энг фожиалиси, улар аини фарзанд кўрадиган, кексайган ота-онасига ғамхўрлик қиладиган паллада ҳаётдан кўз юмишади.

Эслатиб ўтамиз, ОИТСни келтириб чиқарувчи одам иммун танқислиги вирус юқумли бўлиб, жинсий алоқа йўли билан, қон, тананинг жароҳатланган тўқималари орқали ўтади. Касаллик ниҳоятда оғир кечиб, охири ўлим билан тугайди.

Ҳозирги замон табобати ҳали касалликнинг узил-кесил давосини топгани йўқ. Хасталик билан оғриган-

лар орадан 10-12 йил ўтиб вафот этишади. Касаллик юққанидан то илк клиник аломатлар намоён бўлгунча ўртача 8 йил ўтади. Сўнг хасталик шиддатли ривожланиб, тўрт йил орасида беморни нобуд қилади. Бугунги кунда хасталикни сурункали босқичга ўтказишга имкон берувчи вирусга қарши дори-дармонлар мавжуд. Аммо бундай муолажа йилига 15-18 минг АҚШ долларига тушади.

Республикада ОИТСга қарши кенг қамровли профилактика, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилапти. Ўзбекистон Ҳукумати касалликнинг тарқалишини камайтириш борасида зарур чоратадбирлар кўряпти. Шаҳарларда ишонч пунктлари очилмоқда. У ерда одамлар шахси сир сақланган ҳолда, уларга касалликдан сақланиш йўллари ҳақида бепул маслаҳатлар берилади, малакали махсус тиббий ёрдам кўрсатилади.

Ўзбекистонда ОИТС хизмати 1987 йилда ташкил этилган. Ўшанда қайд этилган беморларнинг барчаси хорижий фуқаролар эди. Кейинги йилларда республикада фуқаролари орасида ҳам касалликка чалинганлар учради.

ОИТСга чалинганлар ўзларини жамоатчилик орасида



тўғри тутсалар, шахсий гигиена қоидаларига амал қилсалар, бошқалар соғлиғи учун хавф туғдирмайдилар. Касалликдан сақланишнинг энг асосий шарты соғлом турмуш тарзи кечириш, тасодифий, тартибсиз жинсий алоқалардан тийилишдир. Шахсий ва умумий гигиена қоидаларига риоя этиш лозим. Одатдаги муомала-муносабатлар чоғида хасталик юкмайди. Юқори ҳарорат ва ювиш воситалари биргаликда вирусга қарши курашда яхши самара беради. Шунинг учун кийимларни, идиш-товуқларни ювишнинг ўзи ҳам уларни яхшигина дезинфекция қилади. Чивинлар ва бошқа ҳашаротлар бу касалликни ташимайди.

Светлана АЛЛАМИЯРОВА,
ИИБ республика санитария-эпидемиология хизмати ОИТС лабораторияси мудири.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ ҲООБ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи, милиция капитани Жавлон Авезовга онаси
УЛЛИЖОН аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши Зангиота тумани ИИБ Хонобод кўрғон ички ишлар бўлини маси бошлиғи, милиция подполковниги Т. Баҳромовга акаси
Турғун БАҲРОМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши истъфодаги милиция майори
Турдибой ПОЗИЛОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

**ЎЗБЕКISTON
RESPUBLIKASI IIV
BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI**

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1



Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

**Bosh muharrir
Shuhrat
MURODOV**

Bosh muharrir
o'rinbosari v.b.
Murod TILLAYEV

Mas'ul kotib
R. BERDIYEV

Navbatchi:
S. SHAMSIDDINOV
Musahhihlar:
**M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA**

Sahifalovchi:
Z. BOLTAYEV

TELEFONLAR:

Bosh muharrir
o'rinbosari 139-75-69.

Kotibiyat 139-73-88

muxbirlar
bo'limi 139-75-69.

Buxgalter 139-75-37.

Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari
bo'yicha murojaat uchun
faks: 54-37-91
Tel.: 59-23-08

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob
raqamlarimiz
«Ipaq yo'li»
aksiyadorlik
investitsiyaviy
tijorat bankining
Mirzo Ulug'bek bo'limi.
Hisob raqami:
20210000700447980001,
MFO 00421.

· Ko'chirib bosishda
«Postda»dan ekanligini
ko'rsatish shart
· Muallifning mulohazasi
tahririyat fikriga mos
tushmasligi mumkin.
· Qo'lyozmalar tahlil
qilinmaydi va
qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi Davlat matbuot
qo'mitasida 00007 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Buyurtma T — 943.
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish
vaqti — 19.00.
Bosishga
topshirildi — 19.00.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda — 180
Tashkilotlar uchun — 366

40 518 nusxada chop etildi.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.

Korxonada manzili:
Buyuk Taron ko'chasi
41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.